

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Fil.113.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ҲОШИМХОНОВ МЎМИН

**БОБОРАҲИМ МАШРАБ ИЖОДИЙ МЕРОСИНИНГ ИЛМИЙ-
БАДИИЙ АДАБИЁТДАГИ ТАЛҚИНИ
(XVII-XVIII асрлар)**

10.00.02. – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
филологических наук (DSc)**

**Contents of Dissertation Abstract of the
Doctor of Philology (DSc)**

Хошимхонов Мўмин

Бобораҳим Машраб ижодий меросининг илмий-бадий
адабиётдаги талқини (XVII-XVIII асрлар) 3

Хошимхонов Мумин

Интерпретация творческого наследия Боборахима Машраба в научной и
художественной литературе (XVII-XVIII вв.)..... 45

Khoshimkhonov Mumin

Interpretation of Boborakhim Mashrab's creative heritage in scientific and
artistic literature (XVII-XVIII Centuries)..... 87

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 91

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/04.06.2020.Fil.113.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ҲОШИМХОНОВ МЎМИН

**БОБОРАҲИМ МАШРАБ ИЖОДИЙ МЕРОСИНИНГ ИЛМИЙ-
БАДИИЙ АДАБИЁТДАГИ ТАЛҚИНИ
(XVII-XVIII асрлар)**

10.00.02. – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.DSc/Fil142 (B2018.3.DSc/Fil142) рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (jspi.uz)да ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Сирожиддинов Шухрат Самариддинович**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Қобилов Усмон Уралович**
филология фанлари доктори, доцент

Болтабоев Ҳамидулла
филология фанлари доктори, профессор

Аҳмедова Шоира
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Наманган давлат университети**

Жиззах давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/04.06.2020.Fil.113.02. рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 130100, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси.4.Тел.: (872) 226-13-57, 226-21-73, факс: (872) 226-46-56; e-mail: jspi_info@umail.uz Жиззах давлат педагогика институти. Бош ўқув бино, 2-қават, маърузалар зали).

Диссертация билан Жиззах давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 130100, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси. 4.Тел.: (872) 226-13-57; 226-21-73 факс: (872) 226-46-56.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ кун тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ да _____-рақамли реестр баённомаси).

А.Э.Маматов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
филол.ф.д., профессор

Ф.Э.Ибрагимова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
филол.ф.ф., доцент

У.Қосимов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси,
филол.ф.д., доцент

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тамаддуни тарихида ижтимоий-сиёсий муҳит таъсирида адабий жараёнда ҳам, образ ва қаҳрамонлар талқинларида ҳам, ғоя ва мавзу доирасида ҳам янгиланишлар, ўзгаришлар бўлиши табиийдир. Ўтмиш адабий меросимиздаги устувор ижтимоий ғоя ва қарашларни, буюк шахслар ижоди, тақдири ҳамда улар яратган бадиият намуналарини давр руҳи ва талабларидан келиб чиқиб чуқур ўрганиш, шунингдек, уларни амалиётга татбиқ этиш ҳамisha долзарб аҳамиятга эга. Хусусан, беназир шоир ва мутафаккир Бобораҳим Машраб ижодида давр муаммолари, ижтимоий-фалсафий ғояларнинг акс этиши, уларнинг тарихий-илмий ва бадиий манбалардаги талқини муаммосини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш адабиётшунослигимизнинг муҳим вазифаларидан саналади. Бу эса ҳозирги адабиётшуносликда бадиий ижод ва диний-маърифий ғояларнинг узвий боғлиқлиги, миллий-маънавий кадриятлар ва комил инсон муаммоларини Машраб ижодий мероси асосида ёритиш, шунингдек, асарларидаги ранг-баранг образларнинг ғоявий-эстетик манба ва хусусиятларини аниқлаш заруриятини кун тартибига кўймоқда.

Дунё адабиётшунослигида олиб борилган бир қатор илмий изланиш ва тадқиқотлар Машраб ижодида ижтимоий-фалсафий, диний-ахлоқий ғоялар ва поэтик тафаккурнинг вобасталиги, бадиий тасвир воситаларининг ижодкор тафаккури, поэтик маҳоратини акс эттиришдаги ўрни ва аҳамияти каби масалалар хусусидаги илмий маълумотлар берилгани билан аҳамиятли. XVII-XVIII асрлар Мовароуннахр сарҳадида маданият ва илм-фан раўнақи, шоир ижод этган муҳитнинг ўзига хос ғоявий-бадиий ва эстетик хусусиятлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар, уларни ўрганишга қаратилган тадқиқотларга алоҳида диққат қилинмоқда.

Мустақилликнинг сўнгги йилларида миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлган ўзбек адабиёти тарихи, буюк шоирларимизнинг поэтик маҳоратини ўрганиш борасида фундаментал фанлараро чуқур илмий асосланган тадқиқотлар яратилмоқда. “Наманган қадимдан кўп-кўп истеъдод эгаларининг парвозига қанот берган илоҳий бир макондир. Бу қўҳна юртда туғилиб ижод қилган Махдуми Аъзам Косоний, Бобораҳим Машраб, Фазлий, Нодим Намангоний, Исҳоқхон Ибрат, Муҳаммадшариф Сўфизода сингари шоир ва маърифатпарварларнинг номларини халқимиз ҳурмат билан тилга олади”¹. Бу борада Бобораҳим Машраб ижодий меросининг илмий-бадиий адабиётдаги талқини масаласи долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил

¹ Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. -Т.: Ўзбекистон, 2017. –Б.73.

13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш тўғрисида”, 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2894-сон “Алишер Навоий номидаги Миллий боғда Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар амалга оширилишида ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Ўзбек адабиёти тарихи масалалари, мумтоз ўзбек адабиёти намояндалари ижодини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, Шарқ мамлакатлари адабий-тарихий фикр ривожланиши, шу жойда яшаб ижод этган буюк шоир ва адиблар меросини ўрганишга бўлган илмий изланишлар дунёнинг бир қатор етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Academy of Korean Studies Grand (South Korea), University of California, University of Harvard, Indiana University of Bloomington (USA); Universitat Boon (Germany). University of Oslo (Norwegian), University of Vienna (Austria), Vilniaus Universitetas (Lithuania), Киевський національний університет (Украина); Ваки Довлет университети (Озарбайжон), Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети, Воронеж давлат университети, Петрозаводск давлат университети (РФ), Қозоқ миллий университети (Қозоғистон), Қозон давлат университети, Уфа давлат университети, шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎЗР ФА ҳузуридаги ўзбек тили, адабиёти ва фольклор илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Бугунги кунда жаҳон адабиётшунослигида Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: 1900 йил Парижда шарқшуносларнинг биринчи халқаро конгрессида Goltsier томонидан «Islam in Persien» номли маърузасида Машрабга муносабат билдирилган. Немис олими Martin Hartman «Devoni Mashrab» ва «König Mashrab» асарлари асосида «Ein weiser Derwisch und heiliger Atheist» (1902 йил), «Ein Schritt» (1903 йил) мақолаларини ёзган. Ditrel den Ren “Wissenschaftsreise nach Großasien”, турк олими С.Улудоғ томонидан “Тасаввуф терминлари луғати”

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.istanbul.edu.tr/http://www.washington.edu/>, [www.university of california.edu](http://www.universityofcalifornia.edu/), www.harvard.edu, www.indiana.edu, www.intl.aks.ac.kr, www.uni-bonn.de, www.uio.no/english, [www.univie. ac.at/en](http://www.univie.ac.at/en), www.vu.lt, www.bsu.edu.az, www.kaznu.kz., <https://islaminstitut.uz>. ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

каби илмий изланишлар олиб борилган³. Г.П.Снесаров, А. D. Schmidt каби олимлар шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишга ўз ҳиссаларини қўшганлар⁴. 1993 йил Машраб юбилейи муносабати билан Францияда «Қиссаи Машраб» нашр қилинган⁵.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек адабиётшунослигида Абдурауф Фитрат, Ғ.Ғуллом, И.Мўминов, А.Ҳайитметов, И.Ғафуров, А.Абдуғафуров, И.Абдуллоҳ, М.Зокиров, Ж.Юсупов, Д.Ҳамроева, Э.Мусурманов ва бошқа адабиётшуносларнинг тадқиқот ишларида Машраб шахсияти, ҳаёти ва ижоди масалалари ўрганилди⁶. В.Абдуллаев, И.Султон, И.Салоҳий, А.Шарипов. А. Шаръий Жўзжоний, А.Рустамов, А.Ёқубов, Б.Дўстқораев, Б.Валихўжаев, Ҳ.Болтабоев, Б.Тўхлиев, В.Раҳмонов, Д.Салоҳий, Й.Жумабоев, Ш.Сирожиддинов, И.Ҳаққул, И.Мўминов, И.Сувонқулов, И.Ғозий, И.Адилова, К.Қаҳҳорова, М.Хайруллаев, М.Ҳасаний, М.Назаров, М.Тожиҳўжаев, Н.Комилов, Н.Жумахўжа, П.Қайюмий, П.Равшанов, Р.Воҳидов, Р.Орзибеков, С.Рафъиддин, Ф.Каримова, Э.Шодиев,

³ Goltsier I. Islam in Persien. -Berlin, 1900. -S. 202; Hartman Martin. Ein Schritt. -Berlin, 1903. -S. 108; Ditre den Ren. Wissenschaftsreise nach Großasien. -Parij, 1895. -S. 116; Улудоғ С. Тасаввуф терминлари луғати. -Истанбул, 1995. -Б. 299.

⁴ Schmidt A. D. Alexandria. -Taschkent, 1923. -S. 202; Хорошхин А.П. Сборник статей касающихся до Туркестанского края. -Санкт-Петербург, 1876. -С. 230-231; Веселовский Н.И. Восточные заметки. -Петербург, 1895. -С.88; Ликошин Н.С. Дивана-и Машраб. -Т., 1910. -С. 106; Ликошин Н.С. Туркестанские ведомости. 1905. -№ 53; Вяткин В.А. Ферганский мистик Диванаи Машраб. -Т., 1923. -С.108; Миронова Л. Цветоведение. -Москва, 1984. -С. 72; Пантусов Н.Н. Протоколы. Туркестанского крупка любителей археологии. -Туркестан, 1899-1900. -С. 24; Wamberi H. Westasien-Unterricht. -Leipzig, 1897.-S. 218. -S. 204; Wamberi H. Zwei moderne zentralasiatische Dichter, Munis und Amiriy. -Wien, 1892.-S. 233.

⁵ Machrab. LE VAGABOND FLAMBOYANT Anecdotes et poemes soufis. Diwan. -Editions Gallimard, 1993.-S. 104.

⁶ Абдурауф Фитрат. Машраб / Танланган асарлар. Иккинчи жилд. -Т.: “Маънавият”, 2000; Ғ.Ғуллом. Икки Машраб / Адабий танқидий мақолалар. -Т.: Ғ.Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976; Мўминов И. Философские взгляды Мирзы Бедия. -Т., 1957. Мўминов И. Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари / Танланган асарлар. I том. -Т.: Фан, 1969; Ҳайитметов А. Ҳаётбахш чашма. -Т., 1974; Ҳайитметов А. Машраб лирикаси // Шарқ юлдузи, 1980. -№ 3; Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. -Т., 1970; Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. -Т., 1997; Ғафуров И. Озод нафас / Дил эркинлиги. -Т.: «Маънавият», 1998; Ғафуров И. Ҳаё-халоскор. -Т.: “Шарқ”, 2006; Абдуғафуров А. Ўзбек адабиёти тарихи. II том. -Т., 1984. Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги қадриятлар. -Т.: Ўқитувчи, 1998; Ҳамроева Д. Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси. Номз. ...дисс. Т., 2004; Юсупов Ж. Ҳақиқий Машрабни излаб. -Т., 1990. Юсупов Ж. Уни девонаи Машраб дерлар // Ўзгучи. 1998 йил, 5 август. Тадқиқ қилувчи, қўлёзма ва босма манбаълардан жамлаб нашрга тайёрловчи, луғатлар ҳамда изоҳлар муаллифи: Юсупов Ж. Машраб. Девон. -Т.: Янги аср авлоди, 2006; Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Машраб таржимаи ҳолига оид ғазал // «Ўзб. адаб. ва сан.». 1992 йил, 17 январь; Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Машраб ҳикматлари. -Наманган, 2000; Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Кўнгулни узма шундоғ кимёдин // «Ўзб. адаб. ва сан.». 1999 йил, 23 апрель; Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Ғайри илм шарпаси // Тафаккур, 2005. № 1; Зокиров М. Машраб. Адабий-танқидий очерк. -Т.: Бадий адабиёт нашриёти, 1966; Зокиров М. Эрк ва маърифат куйчилари. Т., 1984. Мусурманов Э. Раҳимбобо Машраб ва унинг бадий адабиётдаги талқини. Фил. фан. номз. ...дисс. -Самарқанд, 1995; Ҳошимхонов М. Машраб ва Ўрта Осиёда ижтимоий фикр тараққиёти. Ўқув қўлланма. Т., 1994; Ҳошимхонов М. Бобораҳим Машраб ижодини ўрганиш. Методик қўлланма. Т., 2002; Ҳошимхонов М. Машраби мўътабар ўзум. (“Машрабнинг ижтимоий фалсафий қарашлари”). Монография. -Т.: “Шарқ”, 2001; Ҳошимхонов М. Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодий фаолияти. Монография. -Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007; Ҳошимхонов М. Машраби мўътабар ўзум. (Машраб ва Мовароуннаҳрда ижтимоий таназзулнинг социологик таҳлили. XVII-XVIII асрлар). Монография. Иккинчи жилд. -Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007; Ҳошимхонов М. “Машраби мўътабар ўзум”. (Бобораҳим Машраб ижтимоий-маънавий, диний-тасаввуфий, ахлоқий мероси ва унинг илмий-бадий адабиётдаги талқини. XVII-XVIII асрлар). Монография. III-жилд. -Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008; Ҳошимхонов М. Машраби мўътабар ўзум. (Бобораҳим Машрабнинг матний портрети: Мажзуб сўфий, қаландар ва шоир). Монография. -Т.: “Noshirlik yog'dusi”, 2018.

Қ.Тўқсонов, Ғ.Ғафуров, Ғ.Саломов, Ҳ.Ҳомидий, Ҳ.Алиқулов, Ҳ.Муҳаммадхўжаев ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий ишларида Машраб ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ масалаларга тўхтаб ўтилган⁷.

Унинг шеърӣ девонларини ўрганиш жараёнида ғазал, мухаммас ва турли жанрлардаги асарларини ўз ичига олган шеърӣ мажмуа ва девонлари, шунингдек, унинг ҳаёт ва фаолиятини ёритувчи қисса ва тазкиралар нашр этилди⁸.

1995 йилда Эркин Мусурманов «Раҳимбобо Машраб ва унинг бадий адабиётдаги талқини» мавзуида номзодлик десертацияси ҳимоя қилиб, ўз давригача яратилган бадий асар ва маноқибларни таҳлил этди, Машраб образининг бадий тасвирини адабиётшуносликка маълум қилди.

2004 йилда Дилором Ҳамроева «Бобораҳим Машраб ғазаллари поэтикаси» мавзусида диссертация ҳимоя қилиб, унда Машраб сиймосини хорижий ва олдинги асрлардаги ёзилган қисса ва маноқибларда ёритилиши

⁷ Абдуғафуров А. Ўзбек адабиёти тарихи. II том. -Т., 1984. Абдуғафуров А. Сўзбоши ўрнида / Машраб. -Т., 1979; Абдуғафуров А. Эрк ва эзгулик куйчилари. -Т., 1979; Абдуғафуров А. Бобораҳим Машраб. -Т., 1979; Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. -Т., 1995; Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги қадриятлар. -Т., 1998; Шарипов А. Мироззрение Машраба / Очерки истории общественно философской мысли в Узбекистане. -Т., 1977; Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. -Т., 2001; Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Ишқамишда // «Ўзб. адаб. ва сан.». 1992 йил, 13 ноябрь; Муаллиф-тузувчи: Жўраев Зуфаржон. Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. -Т.: Ўқитувчи, 1994; Дўстқораев Б. Ўзбек насрида Машраб тимсолини яратиш тажрибаси ҳақида мулоҳазалар. Тўплам. -Т., 2006; Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. -Т., 1993; Тўхлиев Б. Маккага ёрсиз бориш жоизми? Тўплам. -Т., 2006; Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб. -Т., 1980; Раҳмонов В. Буюк исёнкор / Машраб. Девон. -Т., 1980; Салоҳий Д. Навоийнинг шеърӣ услуби масалалари. -Т., 2005; Жумабоев Й. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан. -Т., 1997; Султон Иззат. Асл Машраб. -Т., 1972; Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърӣят. -Т., 1991; Ҳаққул И. Адабиёт ва санъат. Тўплам. -Т., 1982; Сувонкулов И. Қалб гавҳари. -Т., 2006; Салоҳий И. Ижтимоий муносабатлар қурбони // «Ўзб. адаб. ва сан.». 1997 йил, 14 февраль; Ғозий Илёсхон. Махдуми аъзам Имом ал-Косоний. -Т., 1996; Адизова И. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. -Т., 2006; Қахҳорова К. Матнга эътибор керак // Шарқ юлдузи, 1983. №11; Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. -Т., 1971; Ҳасаний М. Муқаддима / Шох Машраб қиссаси. -Т., 1991; Тожихўжаев М. Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодининг хорижда ўрганилиши // Адабиёт кўзгуси, 2000. № 5; Тожихўжаев М. Бобораҳим Машраб шахсининг Европача эътирофи / Олими нуктадон манам. -Т., 2006; Жўраев М., Рафиддин С. Қиссаи Машраб хусусида / Қиссаи Машраб. -Т., 1992; Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. -Т., 1999; Комилов Н., Саломов Ғ. Шоирӣ анализ. -Т., 1999; Жумахўжа Н. Машраб ҳамма замонда исёндр // Гулистон, 1998. № 5; Қайюмов П. Тазкират уш-шуаро. II-китоб. -Т., 2006; Равшанов П., Ҳусенов М. Ҳофиз Рўзибой Машраб. -Т., 1997; Воҳидов Р., Эшонкулов П. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. -Т., 2006; Орзибеков Р. Ўзбек адабиёти тарихи. -Т., 2006; Воҳидов Р., Ҳомидий Ҳ. Ҳиммат иноятсиз бўлмас. Тўплам. -Т., 2006; Каримова Ф. Халқчил шеърӣят. Тўплам. -Т., 2006; Шодиев Э. Машраб «Девон»и ҳақида мулоҳазалар // Адабий мерос, 1983. № 3; Шодиев Э. Шоир Машрабнинг адабий таҳаллуслари // Адабий мерос, 1986. № 2; Тузувчи ва илмий муҳаррир: Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. -Т., 2004; Тўқсонов Қ. Шавкат Бухорий Бобораҳим Машраб билан учрашганми? // Ўзбек тили ва адабиёти, 1997. № 6; Ғ.Ғулом. Икки Машраб / Адабий танқидий мақолалар. X том. -Т., 1976; Ғафуров Ғ. Шарқ жавоҳирлари. -Т., 2000; Саломов Ғ. «Девон»га сўзбоши / Тилларда дoston шоирӣм Машраб. 2006; Ҳомидий Ҳ. Қўҳна Шарқ дарғалари. -Т., 1999; Ҳомидий Ҳ., Маъмуров М. Наманган адиблари. -Т., 2007; Болтабоев Ҳ. Ислом тасаввуфи манбалари. -Т., 2005; Болтабоев Ҳ. Мумтоз сўз кадри. -Т., 2004; Болтабоев Ҳ. Машраб ва қаландарӣлик тариқати манбалари. Тўплам. -Т., 2006; Ғулом Ҳ. Машрабга дебеча // «Ўзб. адаб. ва сан.». 1990 йил, 3 август каби тадқиқотчиларнинг илмий ишлари қиради.

⁸ Машраб. Избранное. Перевод с узбекского на рус. язык. -Т., 1959; Машраб. Танланган асарлар. -Т., 1963; Машраб. Танланган асарлар. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971; Машраб шеърӣятидан. -Т.: Ўзбекистон КП МКнинг нашриёти, 1979; Машраб. Девон. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980; Бобораҳим Машраб. «Меҳрибоним қайдасан». -Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990; Боғистоний Исҳоқ. Тазкираи қаландарон // Шарқ юлдузи, 1990. №. 8; Сеторий Пирмат. Шох Машраб қиссаси. -Т.: «Шарқ», 1991; Қиссаси Машраб. -Т.: «Ёзувчи», 1992; Тадиқ қилувчи, кўлзма ва босма манбаълардан жамлаб нашрга тайёрловчи, луғатлар ҳамда изоҳлар муаллифи: Юсупов Ж. Машраб. Девон. -Т., Янги аср авлоди, 2006.

масалалари, Машраб адабий меросини унга замондош ва ундан кейин яшаган шоирлар ижоди билан қиёслаб ўрганишга ҳаракат қилган. Абдусаттор Жуманазар “Машраб муаммо ва ечимлар”⁹ монографиясини яратди, Эркин Мусурманов “Раҳимбобо Машраб ҳақидаги янги маълумотлар”¹⁰ монографиясини эълон қилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Жиззах давлат педагогика институти истиқболли илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2-сон “Ўзбек адабиёти танқиди, тарихи ва бадиий маҳорат масалалари” йўналиши доирасида бажарилган (2017-2021 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Бобораҳим Машраб ижодий меросининг моҳияти, адабий-маърифий кўлами, шеърятининг замон маънавий муҳитига таъсири, шоир шеъряти адабий-эстетик негизларининг асл моҳиятини кенг жараёнда очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Машраб асарларидаги муқаддас илоҳий манбаларда номлари келтирилган, тасаввуфий ва афсонавий ҳамда тарихий шахслар тимсолидаги образ ва рамзларнинг ғоявий-бадиий мазмуни, тағмаёнолари ва хусусиятларини аниқлаш;

Машраб асарларида акс этган ирфоний қарашлар ва ижтимоий-маънавий воқеъликка муносабат, унинг диний-маърифий қарашларининг асослари масаласи ва бадиий тафаккури талқинини очиб бериш;

XVII-XVIII асрлар Мовароуннаҳр сарҳадида маданият ва илм-фан раўнақини тарихийлик асосида очиб бериш;

Бобораҳим Машраб яшаган муҳитнинг ўзига хос бадиий хусусиятларини таҳлил этиш;

шоирга нисбат берилган асарлар атрофидаги баҳсларга муносабат билдириш, тахмин ва мавҳумликларга аниқлик киритиш;

Машраб шеърятининг ғоявий ва адабий-эстетик тамойилларини аниқлаш;

Машраб ҳаёти ва ижодига таъсир кўрсатган мутасаввиф сўфийлар фаолиятини мавзу доирасида талқин қилиш;

XVII-XVIII асрлар Мовароуннаҳр бадиий тафаккур йўналишининг давр шоирлари ижодидаги муштарак ва фарқли жиҳатларини таҳлил этиш;

зоҳирий “девона”лик замирида пинҳон бўлган маънавий буюклик сифатларига аниқлик киритиш;

шоир шеъряти бадииятида акс этган исломий ғоялар моҳиятини белгилаш, “шаккоклик” ва “ахлоқсизлик” ҳаракатларининг туб мазмуни ва сабабларини ёритиш;

бадиий адабиётларда шоир образининг ёритилиш даражасини аниқлаш.

⁹ Жуманазар А. Машраб муаммо ва ечимлар.-Т.: “Академнашр”, 2015.

¹⁰ Мусурманов Э. Раҳимбобо Машраб ҳақида янги маълумотлар. Самарқанд, 2015.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бобораҳим Машраб адабий ижодий мероси бўйича яратилган манбалар, илмий тадқиқотлар, диссертация ва монографиялар ҳамда илмий мақолалар танланган.

Тадқиқотнинг предметини Бобораҳим Машраб ижодий меросининг илмий-бадиий адабиётдаги талқини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий метод, тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, анализ ва синтез, умумлаштириш, компонент таҳлил, тарихийлик ва мантикийлик каби усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XVII-XVIII асрларда Мовароуннаҳрда яшаб, ижод этган Саидо Насафий, Сўфи Оллоёр, Бобораҳим Машраб, Хўжанар Хувайдо сингари мутасаввифларнинг асарларида маънавий мерос, ватанпарварлик, халқпарварлик, меҳнатсеварлик каби умуминсоний ва ота-онага ҳурмат, ҳалоллик, ҳамиятлилик, саҳийлик каби миллий қадриятлар улуғланганлиги аниқланган;

Машраб шахсиятининг ғоявий маслағи, ижтимоий-маънавий ва тасаввуфий қарашлари, шоир бадиий тафаккури қирралари “Мабдаи нур”, “Вайс ул-Қараний”, “Қиссайи меърожи Расули акрам с.а.в.” сингари диний-ирфоний асарларида намоён бўлганлиги далилланган;

шоир дунёқарашининг шаклланишига пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) сиймолари, Шайх Шиблий, Боязид Бистомий, Иброҳим Адҳам, Мансур Халлож, Мулло Бозор охунд, Офоқхожа, Сўфи Оллоёр, Саид Имодиддин Насимий каби суфий мутафаккирларнинг таъсир кўрсатганлиги исботланган;

ўзбек адабиётида Машраб образи яратилган Ойбекнинг “Машраб” шеъри, Муҳаммад Алининг “Машраб” шеърий достони, Миркарим Осимнинг “Синган сетор” қиссаси, Хайриддин Бегматнинг “Девона Машраб” ҳамда Шуҳратнинг “Машраб” романлари сингари асарларда суфий шоирнинг дарвешона ҳаёти, руҳий олами, мусаффо ҳис-туйғулари талқини акс этганлиги аниқланган;

Машрабнинг шоир сифатида адабий сиймоси, бадиий маҳоратини белгиловчи “Машраб девона”лиги замирида пинҳон бўлган буюклик иқтидори дунёнинг Осиё, Африка, Шарқ мамлакатларигача етиб борганлиги, туркий шеърият билан халқларни баҳраманд этганлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мутасаввиф Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодини ёритишда у яшаб ижод этган XVII-XVIII асрлар Мовароуннаҳр сарҳадида маданият ва илм-фан равнақи, шоир ижод этган муҳитнинг ўзига хос ғоявий-бадиий ва эстетик хусусиятлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ва уларни ўрганишга қаратилган тавсия ва кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

мутасаввиф шоир Машрабга нисбат берилган асарлар: тахмин ва қарашларга аниқликлар киритилган, Машраб шеъриятининг ғоявий йўналишлари ва бадиияти таҳлил қилинган, шоир поэзиясида тасаввуфий ғоялар, комил инсон муаммоси, шунингдек, Машраб ҳаёти ва ижодига таъсир кўрсатган мутасаввиф-сўфийлар ҳақидаги фикрлар ёритилган;

мутасаввиф Машраб феномени, Мовароуннаҳр адабий-бадий йўналишининг муштарак жиҳатлари шарҳланган, қаландария тариқати ва девоналик замирида пинҳон буюклик моҳияти ҳақида хулосалар чиқарилган;

Машраб шахсияти: бадий талқин ва аслият мавзусини ёритишда шоир ва ахлоқ ёхуд унинг шеъриятидаги ғайриодатий ҳолатлар, “Қиссаи Машраб” сюжетларига муносабат, шунингдек, шоир шахсиятининг бадий адабиётдаги талқини очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг тўғри қўйилганлиги, илмий муаммонинг ўрганилиш доираси аниқлиги, умумлашма фикр ва хулосалар илмий-манتيқий жиҳатдан асослангани, таҳлиллар қиёсий-тарихий, поэтик ва автобиографик тавсифлаш ва таснифлаш воситасида олиб борилганлиги, назарий фикр ва хулосалар амалиётга жорий қилинганлиги, таҳлил ва талқин жараёнида ўзбек мумтоз адабиёти ва жаҳон адабиётшунослиги талабларига таянилганлиги билан белгиланади

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти XVII-XVIII асрлар адабиётининг улкан намояндаси Бобораҳим Машраб ижодий меросининг илмий-бадий адабиётдаги талқини масаласини тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар, назарий қарашлар адабиётшунослик учун янги илмий-назарий маълумот ва хулосалар бериши, мавжуд дарслик, қўлланмаларнинг такомиллашувида ёрдамчи манба бўлиб хизмат қилиши билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек адабиёти ва ўзбек адабиётшунослиги фанлари бўйича таълим тизимининг барча босқич талабаларига дарс машғулоти олиб боришда, махсус курс, амалий машғулоти ва семинарлар ўтишда, шунингдек, бу фанлар бўйича ўқув қўлланмалар, дарслик, мажмуалар, атамалар луғати яратишда, оммавий ахборот воситаларида Машраб ижодини ва XVII-XVIII асрлар шеърятини тарғиб ва ташвиқ қилишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бобораҳим Машраб ижодий меросининг илмий-бадий адабиётдаги талқини, ундаги илмий таклифлар бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Бобораҳим Машраб ижодий меросининг илмий-бадий адабиётдаги талқини, ундаги илмий таклифлар бўйича олинган илмий натижалар асосида: Бобораҳим Машраб тасаввуфий қарашларининг Жиззах вилояти “Истиқбол” минтақавий тадқиқот марказининг “Аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда жамоатчилик таъсирини оширишнинг инновацион йўллари жорий этиш” мавзусида 2020 йилда бажарилган 68-11/78 рақамли грант лойиҳасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Жиззах вилоят “Истиқбол” минтақавий тадқиқот марказининг 2021 йил 7 сентябрдаги 10-сон далолатномаси). Натижада тадқиқотдан мазкур грант режасининг “Таълим соҳасида ўқувчи ва талабалар ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш борасида олиб борилаётган инновацион чора-тадбирлар бўйича таҳлилий тадқиқот ўтказиш ва тегишли таклифлар бериш” деб номланган 2-бандида кўзда тутилган вазифалар ижросини таъминлашда самарали фойдаланилган;

Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодини ўрганишда Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга оид илмий-амалий таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019-2020 йилларда ўтказилган тарғибот ишларида фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат кенгаши, Республика маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 05 майдаги 02/08-506-сон далолатномаси). Натижада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарор дастурининг VIII боб “Халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшлар ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга доир тадбирлар” 33-банди “12 ойга-12 аллома” лойиҳасини амалга ошириш доирасидаги тарғибот ишларида фойдаланилган;

Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодининг илмий натижаларидан ёшларнинг ҳаётдаги ўрни ва ролини янада юқорига кўтаришга доир истиқболларини ўрганиш масаласига эътиборни кучайтириш механизмларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги 2021 йил 12 апрелдаги 4-01-23-898-сон далолатномаси). Натижада тадқиқотда Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги ёшларни жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ишларини самарали ташкил этишда, мунозара маданиятини шакллантириш мақсадида ўтказилган ўқув-семинар, тарғибот тадбирларида материал (қўлланма) сифатида фойдаланилган. Ёшлар ишлари агентлиги ёшларда ижтимоий-сиёсий жараёнларни англаш, ёшларга оид давлат сиёсатининг моҳияти, таъсирчанлиги, амалий аҳамиятини олиб боришда қўлланилган;

Ўзбек мумтоз адабиётида Бобораҳим Машраб шахсиятининг бадиий талқини, улуғ мутасаввифларнинг Машраб ижодига таъсири, шоирнинг маънавий оламини акс эттирувчи қисса ва тазкиралардаги афсона ва ривоятлар заминидаги тўқималарни бадиий адабиёт мухлисларига етказиб беришда мазкур илмий тадқиқот натижалари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги “Онажоним шеърият” тўғарагида фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 12 апрелдаги 01-03/523-сон далолатномаси). Натижада тадқиқотдан Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижоди билан яқиндан таништириш жараёнида фойдаланилган;

Бобораҳим Машраб ижодий меросининг илмий-бадиий адабиётдаги талқинини ёритишда, сўфий шоир Машраб феномени, давр мафкуравий йўналишларининг ўзига хос хусусиятлари, Машраб ва қаландария таълимоти ҳақидаги хулосаларни ёритишда фойдаланилган (Наманган вилоят телерадиокомпанияси 2021 йил 25 январдаги 08-02-41-сон маълумотномаси). Натижада илмий таклиф ва хулосалар Наманган вилоят телевидениесининг “Буюк аждодларимиз” рукни остидаги қатор кўрсатувларда ёритилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 9 та Республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 35 та илмий иш чоп этилган, шундан, 2 та монография, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 15 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган. Диссертациянинг ҳажми 262 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети ифодаланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бобораҳим Машраб даври ва адабий муҳити талқинлари”** деб номланган биринчи боби илк фасли *“XVII – XVIII асрлар Мовароуннаҳр сарҳадида маданият ва илм-фан равнақига мухтасар нигоҳ”* асосий эътибор мавзунини бирламчи манбалар асосида илмий ёритишга йўналтирилган.

Машраб яшаган даврдаги маданий ҳаёт ҳақида шуни қайд этиш лозимки, ҳукмрон сулола намояндалари давлат ва жамоат арбоблари бўлиш билан бирга, ўз даврининг етук илм эгалари ҳам эдилар. Уларнинг барчаси туркийдан ташқари форс ва араб тилларини билганлар, шу тилларда хат ёзганлар, дунёвий ва диний илмлардан чуқур билимга эга бўлганлар. Имомқулихон, Назрмуҳаммадхон, Абдулазизхон, Субхонқулихонлар шеър ёзиб, шоир бўлиб танилганлар. Субхонқулихон «Нишоний», Абдулазизхон «Азизий» таҳаллуси билан ижод қилган. Абдулазизхон насх ва настаълик хатларида ёзишни, мактуб ва иншо машқини замонасининг энг сара алломаларидан ўрганган. Кейинчалик олий ҳукмдор даражасига етишганда, Ҳиндистон, Эрон ва Румга хоҳ туркий, хоҳ форсийда бўлсин, нома битиларкан, уларни ўзи таҳрир қилиб, ёқмаса бошқатдан шахсан ўзи ёзган¹¹.

Йирик бадавлат зодагонлардан бири Ялангтўшбий бўлиб, у Самарқанд Регистонида катта қурилиш ишларини бошлаб, бу ерда ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган ёдгорликлар қурдирди¹².

¹¹ Муқимхон тарихи. Силсилот ас-салотин. 295 аб варақлар.

¹² Бобобеков Х. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи. –Т.: «Университет», 1999. –Б. 290.

Улуғбек мадрасасига ҳамоҳанг Шердор (1613), майдоннинг учинчи томонидан «Тиллакори» мадрасалари қурилган. Бухорода Улуғбек мадрасаси қаршисида солинган бинолар, Самарқандга яқин жойда Хўжа Аҳрор қабри ёнидаги мадрасалар шу даврда қурилган. Машраб Хожа Аҳрор хилхонасини бир неча бор зиёрат қилган. Бухорода 1712 йилда қурилган Лабиҳовуз масжиди ўша замондаги энг йирик бинолардандир.

Машраб ҳаёт кечирган аштархонийлар даврига оид яна бир меъморлик ёдгорлиги Бухорода бўлиб, у Абдулазизхон мадрасасидир.

XVII асрнинг 40-йилларидан бошлаб Самарқандда адабиёт ривожлана бошлади. Атоқли шоир Малехо Муҳаммад Баде ибн Муҳаммад Шариф Самарқандий (Машраб Самарқандда бўлиб, Малехо билан икки бора учрашган) ўзининг «Музаккир ал-асҳоб» (1692) асарида Мовароуннаҳрдаги 200га яқин шоирнинг номини тилга олади. Шу шоирларнинг кўпчилиги самарқандлик бўлган ёки Самарқандда ижод қилган¹³.

XVII-XVIII асрлар адабиётида шаҳар ҳурфикрлилиги дид ва талаблари билан ўзини намоён қилади. Убайдуллахон вақтида Бухоро шоирлари орасида энг машҳурлари – «Убайдуллонома» муаллифининг таърифи билан айтганда, «Бухоро шоирлари тахтига минган шахзода» – Саидо Насафий, шоир Қосимхўжа, касби каштачи самарқандлик Фитрат ва ниҳоят пардозчи уста мулла Мулхан эди.

XVII-XVIII асрларида кўшиқлар, ҳикоялар ва эртақларда оммавий халқ ижоди намоён бўлди. Халқ театр санъати кенг ривож топди. Икки турдаги театр бор эди. Биринчи турдаги театрлар сайёр артистлар (акробатлар ва жанглёрлар, дорбозлар, раққослар, фокусчилар, айиқ ва эчкиларни ўргатувчилар)нинг кўча-кўйда кўрсатадиган томошаларидир. Қизиқчилик – аскиябозлик халқ театрининг энг ёрқин тури эди. Тўйлар, байрамлар сайёр созандаларсиз ўтмас эди. Халқ театри санъаткорлари, шу жумладан, созандалар ва хонандалар маданий уюшмани ташкил этишарди.

Ўрта Осиёнинг XVI – XVII асрлардаги маданий ҳаёти ниҳоятда оз ўрганилган. Вамбери бу даврда маданият таназулга юз тутган эди¹⁴ деб ёзган эди. Бунга қўшилиб бўлмайди. Бу хусусда Ўрта Осиё тарихининг йирик тадқиқотчиси П.П.Иванов фикрини келтириш ўринлидир: «Дарҳақиқат, Ўрта Осиёда эски маданий анъаналар XVI асрда ҳам, XVII асрда ҳам сақланиб қолди. Ўзбекларнинг ҳукмрон синфи ўтмиш маданий анъаналарига адоват кўзи билан қарамади, аксинча, уларни давом эттириш ва ривожлантиришга интилди»¹⁵.

Ўзбек халқининг ана шундай қадимий, бой оғзаки ва эпик, бадий, мазмунан тафаккурга бой мероси XVII – XVIII асрларда ҳам мавжуд эди. Бу асрларда «Гўрўғли» туркумидаги ва бошқа ўнлаб жангномалар, тарихий, бадий, панд-насиҳат мазмунидаги романтик ҳамда қаҳрамонлик асарлари:

¹³ Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: «Ўқитувчи», 1980. –Б. 11.

¹⁴ Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи.-Т.: “Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”, 1990. –Б. 76.

¹⁵ Нуритдинов М. Юсуф Қорабоғий ва Ўрта Осиёда XVI-XVII асрлардаги ижтимоий-фалсафий фикр. -Т.: Фан, 1991. –Б.17-18.

«Тоҳир ва Зухра», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Сайёд ва Ҳамро», «Асли ва Карим», «Санобар», «Юсуфбек ва Аҳмадбек», «Алибек билан Болибек», «Хуршид ва Маликаи Дилором» каби достонлар, уларнинг фольклор ва халқ китоби хиллари тарқалди¹⁶. Айниқса, XVII асрдан бошлаб қатор ўзбек шоирлари бой фольклор ашёлари, айрим ҳолларда эса ёзма адабий манбалар асосида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ўша давр адабий бадиий илмида «ривоят», «қисса» номлари билан юритилган халқона руҳдаги асарларни яратдилар.

XVI – XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёдаги ҳар учала амирлик ва хонликларнинг маданий тараққиётига хос бўлган умумий ўхшашликлар диққатга лойиқдир. Бу ўхшашликларнинг сабаблари ҳам бир-бирига жуда ҳамоҳангдир. Биринчидан, Ўрта Осиё ҳудудидаги давлатлар XV асрларда маданий тараққиётда дунёдаги энг етакчи ўринларда турган бўлса, XVI – XVII асрлардан эътиборан бу ҳудудда тушкунлик бошланди. Иккинчидан, ҳар учала давлат бирликлари ўзлари алоҳида мустақил фаолият кўрсатсаларда, давлат идора ишлари ўзбек ва форс тилида олиб борилган. Бухорода форс, Қўқонда форс-ўзбек, Хивада ўзбек тили расмий тил бўлиб ҳисобланган. Турмушда, адабий ижодда ўзбек ва форс тиллари кенг қўлланилар эди. Учала давлатда ҳам аҳолининг асосий қисми туркий тилда сўзлашган. Учинчидан, анъанага кўра фанда, бадиий адабиёт ва мактабда араб ва форс тилининг обрўси сақланиб қолганди.

Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликларида халқ таълимининг тузилиши ва фаолияти деярли бир хил бўлган. Уларда мадрасалар, мактаблар ва қорихоналар мавжуд эди. Мадрасалар мусулмон олий ўқув юртлари ҳисобланган¹⁷.

Мактаблар масжидлар қошида ва хусусий уйларда ташкил этилган.

Машраб Наманган шаҳрида шундай масжид ва хусусий уйда саводини чиқарган эди.

XVII – XVIII асрлар Мовароуннаҳр маданияти ва илм-фани ўзига хос равишда ривожланишда бўлди. Аштархоний ҳукмдорлар томонидан бир қанча меъморий обидалар қад кўтарди.

Муסיқа, ҳунармандчилик соҳасида бақувват асарлар яратилди, маънавий бўшлиқ тўлдирилди.

Халқнинг кўпроқ қуйи бўғинидан санъат ва адабиёт вакиллари етишиб чиқдилар, улар ўз муҳити, бадиий ҳаёти ҳақида халқ кайфиятини ифода этиб, назм ва насрда ижод қилдилар.

Бобнинг иккинчи фасли “*Бобораҳим Машраб яшаган муҳитнинг адабий талқинлари*” деб аталган. Бобораҳим Машраб яшаб, ижод этган XVII – XVIII асрларда Мовароуннаҳрдаги маънавий-бадиий тараққиёт ўзига хос хусусиятга эга ҳолда ривожланишда давом этди. Бу даврда яшаган ва ижод этган мутасаввифлар ўтмиш тадрижий-тарихий бадииятини, салафларнинг адабий, маънавий меросини, ижодий ўзлаштирдилар, такомиллаштирдилар

¹⁶ Абдуғафуров А. Ўзбек адабиёти тарихи. III жилд. –Т.: «Фан», 1978. –Б.78.

¹⁷ Бобобеков Х. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи. –Т.: «Университет», 1999. –Б.152-153.

ва уларга шарҳлар битдилар. Улар қолдирган умуминсоний ва маънавий қадриятларни, улардаги илғор бадий ғояларни кенг халқ оmmasига ёйдилар, ўзлаштирдилар, Умумбашарий ва миллий қадриятларнинг ривожланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

XVII-XVIII асрлар Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон мамлакатларида яшаган ўз даврининг етук фозил ва шоирларидан, шарқнинг улуғ мутасаввифлари ҳукмдор Абулғози Баҳодирхон, туркий миллатнинг турли тоифа ва табақаларидан етишган Мирзо Бедил, Сўфи Оллоёр, Хўжаназар Хувайдо, Юсуф Қорабоғий, Сайидо Насафий, Турди Фароғий, Муҳаммад Шариф Бухорий, Бобораҳим Машраб ва бошқа кўплаб улуғ алломалар ўз асарларида даврнинг илғор ижтимоий-сиёсий, маънавий, диний, тасаввуфий, ахлоқий-таълимий ва бадий ғоя ва муаммоларини ёритиб беришга ҳаракат қилдилар. Улар ўзларининг сермахсул ижодлари, дунёвий, диний-маърифий ғоялари билан Ватан, миллат тўғрисидаги илғор фикрларни илгари сурдилар.

Дастлабки бошланғич таълимдан сўнг Қуръон хатм қилиниб, «Чор китоб», кейин эса «Сўфи Оллоёр» ибтидо қилинган. Ўқувчиларга «Одобнома» дастурлари асосида дарс берилган. Халқ оғзида юрган ахлоқий, бадий руҳдаги мақоллар, масаллар, мажмуалар, ривоятлар, ҳикоятлардан эса тарбия воситаси сифатида фойдаланилган¹⁸.

Мовароуннаҳр санъати, илм-фани, маданияти бу асрларда ҳам бошқа мусулмон Шарқи, Эрон, Туркия, Қашқар, Ҳиндистон каби мамлакатлар билан яқин алоқада бўлди, ўзаро таъсир орқали ривож топди. Бошқа ўлкалардан Мовароуннаҳрга турли зиёли, маданият арбоблари келиб ўз фаолиятини давом эттирганидек, Бухоро, Самарқанд каби турли шаҳарлардан чиққан олим, донишманд, санъат арбоблари бошқа мамлакатлардаги маданий оқимда иштирок этдилар¹⁹.

Машраб билан ҳамаср Бинни Оқатойхон бинни Ҳожимуҳаммад бинни Арабмуҳаммад Абулғози Хоразмий (1603-1664) ҳам олим, тарихнавис, адиб, тилшунос, шоир ва давлат арбоби сифатида жаҳон илм-фани, айниқса, ўзбек халқи бадий маданиятига беҳад катта ҳисса қўшган ижодкорлардан биридир.

Абулғози ҳукмдор сифатида бекликлар ўртасидаги зиддиятлар, ўзаро қирғин урушларга барҳам беришга қаратилган тадбирлар кўрган бўлса, ижодкор сифатида «Шажараи турк» («Турк сулоласи тарихи»), «Шажараи тарокима» («Туркманлар тарихи») ва «Манофе-ул-инсон» («Инсон учун фойдали тадбирлар») каби тарихий-бадий ҳамда табибликка оид китоблар ёзди²⁰.

«Шажараи тарокима» 1893 йилда А.Г.Туманский томонидан русчага таржима қилинган. Кейинроқ эса бу асарнинг тўлиқ таржимаси А.Н.Кононов томонидан амалга оширилади. Асар тили, услуби фонетик, морфологик, синтактик жиҳатдан чуқур таҳлил этилиб, изоҳлар ҳам берилади. Академик

¹⁸ Шамсутдинов Р. ва бошқ. Ватан тарихи. –Т.: Шарқ, 2003. –Б. 117-118.

¹⁹ Хайруллаев М.М. таҳрири остида. Буюк сиймолар, алломалар. –Т.: “Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти”, 1997. –Б.10.

²⁰ Шамсутдинов Р. ва бошқ. Ватан тарихи. –Т.: Шарқ, 2003. –Б. 119.

А.Н.Кононов шундай дейди: «Шажараи тарокима» асари фақатгина тарихий манба бўлиб қолмасдан, балки адабий ёдгорлик сифатида ҳам аҳамиятли бўлган, чунки унда халқ афсоналари, халқ этимологияси, этноми, мақол ва маталлари, масаллари моҳирона тасвирланган²¹.

Абулғози «Шажараи турк»ни ...«Туркий билан айтдум. Туркийни ҳам андоқ айтубманким, беш ёшли ўғлон тушунур», дейди²².

«Шажараи турк»нинг илмий-тарихий қиммати ҳақида Ҳ.А.Вамбери: «Абулғозининг кўпчилик ишлари Заҳриддин Муҳаммад Бобурни хотирага туширади, жаҳон унинг «Шажараи турк»и учун миннатдордир»²³, – деган бўлса, таниқли адабиётшунос Олим Шарафиддинов: «Абулғози Баҳодирхон бинни Арабмуҳаммад ўзбек хонлари ичида Бобурдан кейинги муҳим шахсдир. Унинг маданият тарихида қилган ишлари улуғ»²⁴ деб юксак баҳо берган.

Абулғозининг «Шажараи турк» асари машҳур рус ёзувчилари Владимир Галактинович Короленко, Максим Горькийда ҳам катта таассурот қолдирган эди. М.Горький 1895 йил 7 августида Короленкога ёзган хатида: «Баҳодирхоннинг китобидан бошқа мўғуллар тарихига оид яна бирор манбани менга тавсия қилсангиз-чи, жуда қизиқ экан, бу мўғуллар»²⁵ – деб «Шажараи турк» асарини тавсия қилганлиги учун устозига миннатдорчилик билдирган.

XVIII аср охири ва XIX аср бошларида эса Сўфи Оллоёр илоҳиёти, Бобораҳим Машраб оташин шеърляти, Абдулқодир Бедил девонларининг шухрати таралган. Алишер Навоий, Саъдий, Хожа Ҳофиз, Абдурахмон Жомийларнинг асарлари эса булардан анча олдин маълум ва машҳур бўлган. Шу туфайли мадраса ҳужраларида «Саъдийхонлик», «Хофизхонлик», «Навоийхонлик», «Фузулийхонлик», «Бедилхонлик», «Сўфи Оллоёрхонлик», «Машрабхонлик» гуруҳлари давом этган. Хусусан, «Бедилхонлик»ка интилиш анча кучли бўлган.

XVII-XVIII асрлар адабий муҳит ва бадиий сўз ривожининг муҳим ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталганда, шоир Машраб билан уч бора учрашган, комилликка йўлловчи байтлар битган Сўфи Оллоёр ижоди ва шахсияти ҳақида кенгроқ сўз юритиш мақсадга мувофиқдир.

Ўтмишдаги мактаб ва мадрасаларимизда, хусусий муаллимлар ихтиёридаги таълим тизимида Қуръони карим, Ҳадиси шариф, Ҳафтияк, Чор китоблар билан бирга, машҳур зуллисонайн лирик шоир, достоннавис, ислоний аҳкомларнинг жон-фидо тарғиботчиси Сўфи Оллоёрнинг «Саботул ожизин», «Маслак-ул-муттақин» асарлари ҳам бир дарслик сифатида ўқитилган.

²¹ Кононов А.Н. Родословная туркмен. М-Л., 1958. С. 23.

²² Абулғозий Баҳодирхон. Шажараи турк. –Т.: “Чўлпон”, 1992. –Б.-78.

²³ Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи.-Т.: “Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”, 1990. –Б. 87.

²⁴ Иззат Султон, Шарофиддинов О. Ҳаёт, адабиёт ва маҳорат.-Т.:”Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”, 1972. –Б.224.

²⁵ Горький М. Танланган асарлар. 3-жилд. –Т.: “Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти”, 1968. –Б. 19.

Мутасаввиф шоир бу давр ичида «Мурод ул-орифин», «Сабот ул-ожизин», «Маҳзан ул-мутеън», «Нажот ут-толибин» каби исломий-маърифий ва бадий асарлар яратди. У ўз қарашлари билан ожизларга, йўлдан озганларга ҳидоят ва нажот йўлини кўрсатиб беради. Толибларга тўғри йўл кўрсатади. Инсофу адолатни, ҳалоллик ва тўғрилиқни, орифлик, ошиқлик, хилват ва узлатни тараннум этди, баднафслик ва худбинликни қаттиқ танқид қилади. Дунё лаззатларидан воз кечиб, ўзни Ҳақнинг инон-ихтиёрига топшириш ғоясини илгари суради. Марказий Осиёда кенг тарқалган яссавия-жаҳрия тариқати ғоялари тарғиботи учун курашади.

Сўфи Оллоёрнинг дунёвий ишларни тарқ этиб, нақшбандия тариқати йўлига ўтишини таниқли навоийшунос олим Ёқубжон Исҳоқов қуйидагича изоҳлайди: “Сўфи Оллоёр ўзбек адабиёти тарихида Навоийдан сўнг нақшбандия тариқатини шеърӣ шаклда энг изчил тарғиб қилган улуғ сўз санъаткори ҳисобланади. Унинг асарлари, гарчанд диний-тасаввуфӣ, ахлоқ ташвиқига қаратилган ирфонӣ адабиёт намунаси бўлса ҳам, ўзининг такрорланмас санъаткорона услуби туфайли бадий шеърӣятнинг энг юксак намуналари сифатида эътироф этилган”²⁶.

Мутасаввифнинг икки китоби «Маслак ул-муттақин» ва «Сабот-ул-ожизин» анъанавий давлат тили бўлиб келган форсий ва туркий адабий тилларни улуғлади. Ўзининг бу фаолияти билан Сўфи Оллоёр Чин (Хитой)дан Шом (Сурия)гача, Оқ Эдил (Волга) бўйларида Хинд сарҳадигача бўлган минтақаларда яшовчи туркий ва форсийзабон халқларни яққалам қилди. Уларни асл исломий эътиқоддан чалғимаслик, ёт мафкураларнинг турли бидъат таълимотларига учмасликка даъват этади. Яъни уларни исломий-ахлоқӣ, бадий-эстетик, ғоявий ялов остида бирлаштиришга интилди. Бу эса ҳар қандай давр ҳамда сиёсий муҳитларда унча-мунча мутасаввиф ижодкор қўлидан келаверадиган иш эмас эди. Сўфи Оллоёр буюклигининг туб боиси, аввало, ана шундадир. Негаки, унинг бу саъй-ҳаракати туфайли курраи заминнинг турли минтақаларида яшовчи халқлар бир-бирлари билан яқинлашадилар, бир-бирларининг маърифатларидан бохабар бўладилар.

Халқларни маърифатлантирган етук китоблардан бири «Сабот ул-ожизин»дир. Туркистон халқлари бу китобдан ўта таъсирланганларидан адиб-мутасаввифнинг номини китоб номи қилиб олганлар. Шунинг учун «Сўфи Оллоёр» номи билан халқ орасига ёйилган. Бу китобдаги масалалар сўзга чечанлик йўли билан ояту ҳадисга мувофиқ ёзилган. Ўзлари Аллоҳ томонидан илҳом берилган зот бўлганлари учун, бу китобни ким ўқиса секин-аста юрагига тақво, амал қилиш, яхши ахлоқни ўзига сингдириш, камтаринлик кириб кела бошлайди²⁷.

Афсуски, собиқ шўро даврида Сўфи Оллоёр ижоди ва шахсини ўрганишга йўл берилмади, хусусан, талантли адиб Тоғай Муроднинг айни

²⁶ Исҳоқов Ёқубжон. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. –Т.: “Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти”, 2002. –Б.105-113.

²⁷ Сирожиддинов Шухрат. Сўфи Оллоёр илоҳиёти. 1 қисм. -Тошкент, 2001. –Б. 15.

мавзу ҳақида мақола ёзгани учун ўша даврдаги комфирка тазйиқига учраганлиги маълум²⁸.

Машрабга замондош яна бир йирик мутасаввиф ижодкор Хўжаназар Хувайдодир. Хувайдонинг отаси Ғойибназар сўфи ўз даврида Қашқарда машҳур бўлган шайхул аъзамлардан Офокхожа эшон (Машрабнинг маънавий пири)нинг муридларидан бири бўлиб, Чимёнда масжид ва хонақоҳлар қурдириб, эшонлик қилган. Хувайдонинг девонида келтирилган бир нақлга кўра, шоирга Хўжаназар исми ҳам Офокхожанинг «илтифоти» билан қўйилган экан.

Хувайдо шеърлари ўзбек мумтоз адабиёти, бой маданиятимиз ва тарихимизни ўрганишда ғоят муҳим манба бўлиш билан бирга, энг муҳими, ахлоқий ва тарбиявий аҳамиятга моликдир²⁹.

Хувайдо ижодида май мавзусида анча шеърлар бор. Май Аллоҳ жамолига бўлган ишқнинг ғалаботи дейилади. Хувайдода май мадҳи, уни йигитликда ичишга чорлашни қариган чоғда эмас, ёшлиқдан ишқи ҳақиқий майдан маст бўлишликни, худованд ишқи омонатини бандасига майхонада беради, деган тасаввуфий ақидани уқтиришлик деб англаш керак. Бу майхона шундай бир майхонаки, унда дунёвий ғам-ташвишлардан холи бўлиб, ёлғиз Аллоҳ ишқи билан ёнилади³⁰.

XVII асрда Мовароуннаҳр минтақасидан форс-тожик адабиётининг бир неча ёрқин юлдузлари етишиб чиқдики, улар орасида оташзабон ширинкалом шоир-Машрабга замондош Сайидо Насафий алоҳида мақомга эга.

Сайидо Насафий (1637-1710) «Убайдулланом» муаллифининг ибораси билан айтилганда, «Бухоро шоирлари тахтида султон» деб ном чиқарган шоир ва адибдир.

Ўша давр шоири ва адабиётшуноси Ҳасанхожа Нисорий ўзининг «Музаққир-ул-аҳбоб» (Дўстлар ёдномаси) тазкирасида Сайидо ижодига қўйидагича баҳо берган: “Мақташда унинг номи пайваста келмаган ғазал учрамайди, у мухаммас боғламаган ғазал ҳам топилмайди. Бокира ғазаллари сўз усталарини ҳайратда қолдирган, раъно янглиғ мухаммаслари сават тўла гулларнинг тожидир”³¹.

Машрабга замондош ҳажвчи, танқидчи, ҳурфикр ғоялар куйчиси Турдидан бир – девон – шеърлар тўплами бизгача етиб келган. Унда 432 мисрадан ибрат 17 та шеър бор, улардан 2 таси тожик тилидадир. Бу асарлар оддий, содда ва равон тилда ёзилган. Шоир Турдидан унинг юз, минг – уруғ қабила бошлиқлари бўлган зодагон қариндош-уруғ ақраболари юз ўгирадилар, аммо халқ уни ҳурмат қилган. Бу шоир қалбини кўтарган³².

²⁸ Қосимов У. Адабий-эстетик тафаккур тадрижи: А.Қодирий, А.Қаҳҳор, Тоғай Мурод ижоди мисолида. Фил.ф.д. (DSc) дисс. автореф. Т. 2020, 14-б.

²⁹ Хўжаназар Хувайдо. Девон. Сўзбоши Қодирқул Рўзматзоданики. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2017. –Б. 2.

³⁰ Хувайдо. Кўнгил дарди. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Ғаниева Суйима.–Т.: “MERIYUS”, 2009. –Б. 4.

³¹ Ҳасанхожа Нисорий. Музаққир аҳбоб (Дўстлар ёдномаси).). –Т.: “Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти”, 1993. –Б. 95.

³² Шамсутдинов Р. ва бошқ. Ватан тарихи. –Т.: Шарқ, 2003. –Б. 51-52.

XVII-XVIII асрлар Мовароуннахр халқлари бу даврда бой адабиёт яратгани, илғор ва истеъдодли алломаларни етиштирганлигини кўрсатди. Сўфи Оллоёр, Мирзо Бедил, Хўжаназар Хувайдо, Юсуф Қорабоғий, Сайидо Насафий, Муҳаммад Шариф Бухорий, Турди Фароғий, Бобораҳим Машраб ва бошқа забардаст сўз санъаткорлари етишиб чиқди.

Машраб яшаган муҳитдаги илғор адабиётнинг энг муҳим хусусияти унинг ҳаётга, халқнинг турмуши ва орзу-интилишларига тобора яқинлашиб боришидир. Бу ҳол илғор адабиётни мавзу жиҳатдан такомиллаштирди, янги тимсолларни вужудга келтирди, сатирани ривожлантирди, услуб равллиги ва тил бойлиги учун хизмат қилди.

Асли озарбайжонлик, Мовароуннахрга келиб ижод этган Юсуф Қорабоғийнинг адабиёт ривожига кўшган хиссаси, Абулғози Баҳодирхоннинг тарихий илмий асарлари, Мирзо Бедилнинг мантиқ ва бадиият соҳасидаги кашфиётлари, Сўфи Оллоёрнинг таълим-тарбия, ахлоқий-дидактик, панд-насиҳат руҳидаги ўғитлари, Муҳаммад Шариф Бухорий шеърляти билан тилшунослик, тарих ҳақидаги асарлари, Хўжаназар Хувайдонинг тасаввуфий асарлари, Саидо Насафийнинг ахлоқий-таълимий рисоалари, Турди Фароғийнинг ҳажвий шеърлари, Бобораҳим Машрабнинг оташин, хайқириқли, хитобли шеърляти маънавий-бадиий фикрнинг ўзига хос хусусиятларини белгиловчи муҳим асарлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг **“Бобораҳим Машраб ижоди ва ғоявий таъсир манбалари”** деб номланган иккинчи бобнинг илк фаслида *“Машрабга нисбат берилган асарлар: тахмин ва ҳақиқат”* мавзусида фикр юритилган.

Бугунги кунгача Машрабга нисбат берилган асарлар ҳақида узил-кесил бир фикрга келинган.

1. «Кимё»

2. «Қиссаи Вайс-ул Қараний» ҳақида тўхталган Жалолиддин Юсупов унинг 180 байт, 360 мисрали маснавий эканини изоҳлаб, «қисса» шахсий кутубхонасида 6-рақамли қўлёзма эканини таъкидлаган.

3. «Қиссаи Мерожномаи» Расули Акрам (с.а.в) ҳақида бўлиб, бу «Қиссаи Машраб» қўлёзмаларининг ҳаммасида бўлиб, у мустазод жанрида ёзилганини билдирган.

4. Девон

5. «Девонаи Машраб» қиссаси

Машраб ҳақида маълумот берувчи асосий асар «Қиссаи Машраб»дир.

Ўтган XX аср адоғи, дастлаб М.С. Горбачев ошкоралиги, мустақиллик арафасида халқимизга афсоналарга чулганган мутасаввиф шоир Бобораҳим Машраб ҳаёти, фаоляти, ижоди ҳақида “халқ китоблари” рукнида “Қиссаи Машраб”лар катта ададларда нашр этилиб, қисқа вақтда китобхонлар томонидан илиқ кутиб олинди.

1. Шоҳ Машраб қиссаси. “Шарқ”, (50000 тираж) Тошкент, 1991.

2. Қиссаи Машраб. “Ёзувчи” (60000 тираж) Тошкент, 1992.

3. Дивана-и-Машраб. Издательско-полиграфическое объединение имени Гафура Гуляма. Тираж 1000. Ташкент, 1992.

4. Қиссаи Шоҳ Машраб. “Наврўз”, 1000 нусха. Тошкент, 2014.

5. Исмат Санаев. Машраб. Тошкент, “Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”, 2000 нусха, 2020.

«Қиссаи Машраб» халқ насрининг энг гўзал намуналаридан биридир. Машраб ҳаёти ва ижоди «Қиссаи Машраб», «Девонаи Машраб», каби турли номлар остида инқилобга қадар китобот қилинган бўлиб, машрабхонларнинг энг сеvimли асари сифатида катта шуҳрат қозонган.

Шарқшунос Исматуллоҳ Абдуллоҳ Машрабнинг «Кимё» асари ҳақида «Кўнгилни узма шундоғ кимёдин» номида мақола эълон қилди³³. «Кимё»даги тасаввуфий, тарбиявий-ахлоқий ғояларни, унинг услуби, мазмуни, тил хусусиятларини таҳлил қилсак, бу асар Машрабнинг қаламига мансублигига ҳеч бир шубҳа қолдирмайди.

«Кимё»да Бобораҳим Машраб инсон ҳаётидаги салбий иллатларни қоралаш, танқид қилиш билан бирга, улардан қутилиш, покланиш, ҳалоллик, ростгўйлик, саҳийлик каби инсоний хислатларни тараннум этади.

Ж.Юсупов Машраб илмий меросини ўргана бориб, «Девон»да «Қиссаи Вайсул-Қараний» ҳақида ҳам маълумот берган. Бу асар олдинги биронта девонларда тилга олинмаган: Бу асар ҳам «Кимё» сингари арузнинг ҳазажи мусаддаси маҳзуф вазнида ёзилган. 180 байт 360 мисралик маснавийдир.

Эркин Мусурманов ўз тадқиқотининг «XVII – XIX асрларда яратилган бадий асарларда Машраб образи талқини» деб номланган II бобида «Девонаи Машраб» қиссаси «Девони Машраб» деб аталиши нотўғри эканлигини, девонларга қиссалардаги каби насрий ҳикоялар киритилмайди, деган тўғри хулосани берган: “Классик адабиётда «девона» лақаби бутун фикру дунёси фақатгина ёрга етишиш билан банд, кўриниши ғарибу, аммо кўнгли пок, моддий талаб ва истаклардан воз кечган «зоҳиран маломатенгез, ботинан соғу саломат» бўлган ҳақиқий ошиқларга ҳам қўлланган. Машрабга нисбатан «девона» лақабининг қўлланганлигини назарда тутсак, асарнинг «Девонаи Машраб» деб номланиши асосли бўлади”³⁴.

Яна бир адабиётшунос Абдусаттор Жуманазар “Машраб: муаммо ва ечимлар” (Т., “Академнашр”, 2015) илмий-тадқиқот асарини китобхонларга тақдим этди. Китобга адабиётшунос, биринчи даражали Давлат мукофоти совриндори Шуҳрат Сирожиддинов сўзбоши ёзиб, қуйидаги фикрни таъкидлаган: Абдусаттор Жуманазар бугунги давримизнинг забардаст манбашуносларидан, халқимиз маънавий ҳаёти тарихига бағишланган кўплаб асарлар яратишга бел боғлаган ҳақиқий заҳматкаш ватанпарвар олимдир. Ҳазрат Алишер Навоийнинг ғойибона дуоларини олимимизга бағишлаймиз:

“Ҳаёт боғи тоза ва ул боғда мурод раёҳини беандоза бўлсин!”³⁵

«Бугун бизнинг қўлимизда мавжуд машҳур «Машраб девони» шоирнинг севгилиси Маҳвашхоним томонидан тўпланган ва тартибга солингандир. Шоиримиз Маҳвашхоним ўзбек адабиёти тарихи учун қилган бу азамат

³³ Исматуллоҳ Абдуллоҳ. «Кўнгилни узма шундоғ кимёдин» // Ўзбекистон овози. 1999 йил, 23 апрел.

³⁴ Мусурманов Э. Раҳимбобо Машраб ва унинг бадий адабиётдаги талқини. Фил. фан. ном. ...дисс. автореф. -Самарқанд, 1995. -Б.8.

³⁵ Сирожиддинов Шуҳрат. Ўзни англаш услуби. Абдусаттор Жуманазар. Вахшувор ҳаммаси Сўфи Оллоёр ҳақида. Сўзбоши.-Т.: “Академнашр”, 2015. -Б.3.

хизмати эвазига яна ўша Наманган диндорлари томонидан сочи қирқилди – гисибурида қилинди»³⁶. Афсуски, бу маълумотларни Ғафур Ғулом қаердан ва қайси манбалардан олганлиги биз учун равшан эмас, – деб ёзади Ж.Юсупов.

Ғафур Ғулом «гисибурида қилинди, сочи қирқилди» деган шоира Маҳвашхоним – Машраб севгилиси эмас, балки унинг синглисидир.

Моҳибадр – Маҳваш – Машраб девонини тартибга келтириб бизга мерос қолдирган деган, хулоса – Ғафур Ғулом хулосаси тўғридир. Сабаби Маҳвашхоним шоира бўлган ва касалга чалинган, Машраб онаси ўлганда келиб, унинг қабрида бир неча кун йиғлаб, зиёрат қилиб ўтирганда «киши бандаси» сингил оғир дарддан азоб чекаётган эди. Эҳтимол, Машраб девонини тузган ва уни халққа туҳфа қилган Маҳваш мутаассиб диндорлар томонидан гисибурида қилинган бўлиши мумкин. Чунки Машрабнинг янги топилаётган ғазаллари ўша дастлабки девонда йўқ. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

Ўн-ўн беш йиллар ватанидан дунёга чиқиб кетган Машраб ҳаёти ва ижодидан унинг жазоланган ва эрта ўлиб кетган синглиси Маҳваш хабарсиз қолиши табиийдир.

Қатъий хулоса шуки, ҳамма тадқиқотчиларнинг бошини қотираётган ва ким томонидан тасниф қилингани номаълум бўлган «Девони Машраб» куллиёти шоирнинг нозиктаъб синглиси Маҳваш томонидан тузилгани аниқ. Машрабнинг хоксор ва некбин синглиси Моҳибадр – Маҳваш камтарона хизматини бу девонни тузганда бирон жойга ўз номини битмаган ва иддаода бўлмаган бўлса керак.

Ж.Юсупов томонидан тайёрланган ва нашр этилган «Меҳрибоним қайдасан» Машраб шеърятини мажмуасига «Девони Машраб» асос бўлган.

Афтидан, шоир ўз асарларини тартибга келтириш, девон тузиш учун унчалик қайғурмаган. Бу жиҳатдан унинг ҳаёти ва ижодини баён этувчи манқабача – қиссага мана бу лавҳанинг кириб қолиши тасодифий бўлмаса керак:

«Шоҳ Машраб айтган сўзларини йиғочга битиб ташлаб кўяр эдилар. Ёрканд ҳокими охунднинг шогирдлари айдилар: – Шоҳ Машрабдин бир китоб қолса яхши бўлур эрди!

Охунд Машрабга мурожаат қилиб:

-Тақсир подшоҳим, Сиздин бир китоб ёднома қолса дермиз!

Машраб айдилар

-Охуним, китоб қолмағай дерман. Агар мандин китоб қолса аҳли муҳаббат хароб бўлурлар! – деб китобларини ўтқа ташладилар». Қандай бўлмасин, Машрабнинг ўз ёзмишларини куллиёт ёки девон ҳолида тўплаганлиги хусусида бирор маълумот йўқ. Ҳанузгача шоирнинг қандай ва қанча асар ёзганлиги, қайси адабий жанрларда қалам тебратганлиги аниқланган эмас»³⁷. Шукроналик билан айтамыз, бугунги кунда шоир шеърятидан намуналар топилиб нашр қилиб борилмоқда.

³⁶ Ғафур Ғулом. Адабий-танқидий мақолалар. –Т.: «Фан», 1976. –Б.281.

³⁷ Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги қадриятлар. –Т.: «Ўқитувчи», 1998. –Б.155.

“Машраб шеърятининг ғоявий йўналишлари” деб номланган иккинчи фаслда мумтоз адабиётшунос С.Эркиновнинг: “Машраб ижоди ўзбек адабиётидагина эмас, балки бутун мусулмон шарқи адабиётининг буюк ходисасидир”, -деган фикри ўринли эканлигини эътироф этамиз. Тасаввуфда “тарки дунё” деган истилоҳ бор, тасаввуфий асарларда ҳам бу ибора учрайди. Лекин тасаввуфдаги “тарки дунё” мафҳуми асл маънодаги дунёни тарк этиш дегани эмас, балки дунёга берилмаслик, дунёга кўнгил қўймаслик, унга оғмаслик маъносидадир. Қуйидаги сатрларда ҳам бу маъно равшан кўриниб турибди. Машраб:

Зоҳирида сўфийман деб тарки дунё айлаган,

Ботини дунёга мойил бахти қароларни кўрунг³⁸.

а) “Тасаввуфий ғоялар” талқини ҳақида фикр юритилганда, Машраб ўзидан олдин ўтган буюк тасаввуф аҳли сингари тўрт исломий мазҳаб таълимотини чуқур ўрганганлиги кўзга ташланади. Унинг шеъряти Абу Бакр Шиблий, Боязид Бистомий, Жунайд Бағдодий, Мансур Ҳаллож, Жалолоддин Румий, Шамс Табризий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд каби авлиёи Ҳақларга нисбатан бўлган чуқур эҳтироми билан йўғрилган.

Бобораҳим бир муддат наманганлик илк устози мулла Бозор охунддан сўфиёна билимлар-диний таълимотлардан таҳсил олади, ўзидан олдин ўтган мутасаввиф устозлари Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Хўжа Ҳофиз, Жомий, Лутфий, Навоий, Насимий каби Шарқ мутафаккирлари ижодини чуқур ўрганади. Мулло Бозор охунд таълимини меъёрига етказгандан сўнг Қашқарга – ўша давр ислом оламига машҳур сўфий эшон Ҳидоятullo Офоқхожа ҳузурига йўл олади. Бобораҳим айни навқирон ёшида ҳақталаблик йўлида Офоқхожа остонасига қадам қўяди. Офоқхожа XVII асрда Ўрта Шарқ ва қўшни мамлакатларда донг таратган, минглаб муридлари-тарафдорлари бўлган, ўша давр ижтимоий онг ва тафаккур ҳолатини белгилаб турган-сиёсий ҳаётга беқиёс таъсир кўрсатган мутасаввиф арбоб эди. Бобораҳим машҳур шайх даргоҳида илоҳий билимларини чуқурлаштиради, пирнинг талаби билан етти йил хизматида бўлиб тева-(туя) ва йилқиларини боқади. Унинг тасаввуфий ғоялар билан йўғрилган шеъряти шу ерда чуқур мазмун билан бойийди.

Ки сен авлоди Пайғамбар, отингдур Ҳазрати Офок,

Ки навмид қўймағайларким, улуғ даргоҳ деб келдим.

Машраб фикрича, ишқ барча мушкулотнинг калити, инсоннинг халоскори, вужудни покловчи олов, иксири Аъзам. Машраб салафлари Фаридиддин Аттор ва Жалолоддин Румийлар ижодида илоҳиёт билан қўшилиш шодлиги, васл базмининг нашида ва сурури ҳамда ана шу қўшилиш тавҳиднинг нима эканини таҳлил ва тадқиқ этиш асносидаги шоирона кашфи бош мақсад бўлса, Машрабда тавҳид масрурлиги, Ёр ҳузур-ҳаловати тасвири шу ҳаловатга етиш йўлидаги қийинчиликлар, яъни ишқ

³⁸ Ўша асар. –Б. 37.

изтироблари, тасаввуфий тил билан айтганда, талаввун ва тафриқа, тажрид ва тафрид босқичларидаги азоблар кўшиб тасвирланади³⁹.

Муҳаббат дардидин, дўстлар, ўтар бул интизор Машраб,
Хожамнинг завқи шавқидин юрибман беқарор, Машраб,
Наманган шаҳридин чиқгон мусофир, хору зор Машраб,
Итининг итлари бирлан юругон хоксор Машраб,
Пиримнинг ҳасратидин кеча-кундуз инграган қулман.

Иброҳим Адҳамдек ўзини жаҳондан мосуво этган Машраб оҳи сардини – рўза, фиғонини – тоат билиб, бу ишни «хуни ғарқ бирла адо қилдим», эндики бас, Мансурман дейди. Мансур осилган дорни кўзлайди. Ўша куни Мансур «Анал-Ҳақ»лиги ошкора бўлишини таъкидлайди:

Дори Мансур Анал-Ҳақ жойидур.
Бош бериб юз минг нидо топсам керак⁴⁰.

Иброҳим Ҳаққул Машраб тасаввуфий ғояларининг илдизи Шарқ ва ундаги Атоий каби издошларнинг фикрий қарашларида эканлигини шарҳ этиб ёзади: Машрабгача бўлган ўзбек классик шеърятининг оташин вакилларида бири Атоий, агар менга охир дам-сўнгги нафасларимда имон келтиргил десалар, «имоним ўшал моҳ!» дегумдир, дағи ўлгум». Албатта, Насимий сингари шоирлар ёрни «Оллоҳу акбар, эй санам...» сўзлари билан таърифлаганда, маъшукани имонга тенглаштириш фавқуллода ҳодиса эмас. Лекин моҳиятда улар битта осмондаги ёру ягонага эмас, заминдаги гўзалга, яъни ердаги Худога сиғиниш, имон келтириш эътиқодини тарғиб этади. Шу юксак ғоявий майдонда Машраб Шарқ ва Яқин Шарқдаги буюк истеъдодларга издош ва маслакдошдир⁴¹.

Севган, кўксиди “доғи муҳаббат чаман”га дўнган кишилар имонли, бу ҳақда шоир:

Қайси танни ишқи йўқ бўлса они имони йўқ.

Адабиётшунос А.Абдуғафуров Машраб Навоий шеърый анъаналарининг давомчиси эканлиги ҳақида қуйидаги фикрларни келтирган: Машраб ижодий меросидаги «Ўртар» радифли ғазали ҳам Навоий анъаналарининг оташзабон шоир томонидан изчил давом эттирилганини исботловчи далиллар жумласига киритиш мумкин. Бу ўта таъсирчан ва кенг шуҳрат тутган ғазал мисралари жисми ва руҳига ҳам Машраб дунёқарашига хос сўфиёна таълимотнинг асосий ғоя-образлари усталик билан жойлаб юборилган.

б) **“Комил инсон муаммоси”** фаслида Машраб сўфийлар номини эҳтиром-ла тилга олиб, ўтиб кетган Шамс Табризий, Жалолиддин Румий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Шамсиддин Кулол, шайх Мажиддин манам деяётган эмас. Чунки улар ҳар бири ўз замонасининг фозил, илмли-маърифатли сўфийси, шайхи, уламиси, комил инсони эдилар:

Шамс Табризий манам, гоҳи Жалолиддин манам.

Гоҳ Нажмиддин манам, гоҳи Баҳоуддин манам.

³⁹ Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. – Б.135.

⁴⁰ Бўриев Т. Машраб шеърятда анъанавий образлар / Олими нуктадон манам. Тўплам. -Т., 2006. –Б.104.

⁴¹ Иброҳим Ҳаққул. Сўзлар бизга оғриқдан бўзлар / Ирфон ва идрок. –Т.: “Маънавият”, 1998. –Б.104.

Машраби девонадурман ҳеч киши билмас мани,
Гоҳи комил, гоҳи фозил, гоҳи чун мўмин манам.
То кишига дард тегмай бўлмади бағри кабоб,
Дилда дардинг бўлмаса, сардафтаримни кавлама⁴², -
дейди Машраб.

Жўзжонийнинг фикрича: Машраб фақат ўзбек ва форс тилларидаги шеърлари билангина эмас, балки ўзининг ирфоний-фалсафий дунёқараши ва ушбу қарашларнинг изчил намояндаси адолатсизлик ва хурофот ҳомийларига қарши ўз ақидасини тарқатувчиси ва тарғиботчиси, Ҳақ йўлида ўз жонини қурбон қилган фидоий шоҳид ва қаҳрамон сифатида ҳам катта эътибор ва эҳтиромга сазовор инсондир:⁴³

Ақли комил бирга Афлотун кетибдур беомон,
Роҳи нодонлиги тут, соҳиб фаросатман дема.

Байтнинг маъноси шуки, Афлотун комил ақлга эга бўла туриб, беомон кетди. Сен ҳам унингчалик ақлга эга бўлсанг-да, ўзингдан кетма, чунки бу фазилатнинг комил эгаси Аллоҳдир.

Машраб шеърятининг ғоявий оламида комил инсон муаммоси энг юксак ўрин эгаллайди. Машраб «Анал-Ҳақ» – «Мен-Ҳақман» деб ҳайқирган Мансур Ҳаллож йўлидан бориб, инсон мартабасини Илоҳ даражасида юқори кўтарган адабий сиймодир. Машрабнинг инсонга муҳаббати умумбашарий моҳиятга эга. Тангри жамолики мавжудот ичра энг мукаррам зот деб инсонни яратган. Ўзидаги энг гўзал фазилатларни унда мужассамлаштирган. Инсон дилида ўзига нисбатан оташин муҳаббат уйғотган.

Машрабнинг инсонпарварлик нуқтаи назарича, инсонни севиш Аллоҳга муҳаббат боғлаш, инсоний камолотга эришиш, Ҳақнинг сифатларини ҳосил қилиш, ҳақиқатга етишиш билан баробар:⁴⁴

Азалдан мен дили ғамгин халойиқ хайлини севдим.

«Дили ғамгин халойиқ» Машраб наздида Ҳаққа яқин комил инсон. Машраб комил пир топишни, унга мурид тушишни хоҳлаган, Машрабнинг пирлари – биринчиси мулло Бозор охунд бўлса, иккинчиси –Офокхожа. Чунки Машраб Худонинг ошиғи, шунинг учун у «бир пири комил керак» деб ундан – Худодан пир сўраган:

Даври Аҳмад ўтти деб, кўп йиғлама, эй Машрабо,
Ҳақ таоло раҳм қилса, бир пири комил керак⁴⁵.

Машраб «Шуҳрат талабнинг кейинидан офат келур» деб Офокхожадан хатти иршод олмаган. Яъни пири муридлик рутбасини олишни хоҳламаган, «қўл олмаган», дарвешликни ихтиёр этиб, ҳирқа кийган:

Шуҳратим Офоқ олар деб Машрабинг қўл олмади.

Бу энди комилликнинг энг юқори нуқтаси деса бўлади. Чунки тасаввуфдаги комил инсон мақоми дарвешлик, фақирлик ва гадолик, ишқ йўлидаги талабнинг моҳияти шу ўзи:

⁴² Машраб. Девон. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006. –Б.182.

⁴³ Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Тасаввуф ва инсон. –Т.: “Адолат”, 2001. –Б.149.

⁴⁴ Нусратулло Жумахўжа. Машраб ҳамма замонда исёндин // Гулистон, 1998. №5. –Б.54.

⁴⁵ Машраб. Ғазаллар // «Ўзб. адаб. ва сан.». 1992 йил, 15-май.

Пири комилсан, ҳақиқат бобида дарёйи ҳол.

Машраб пири Офоқхожанинг олдига кейинги боришларидан бирида «Кони зар, толиби заргар», «шуълаи ахгар» бўлишни, еттинчи осмонга чиқиб Исосифат, ташналарга соқийи кавсар бўлишни ва комил инсон бўлишликни Оллоҳдан сўрайди.

Мутасаввиф шоир Бобораҳим Машраб тасаввуфий қарашларида комил инсон муаммоси ҳақида фикр юритилганда, аввало Машраб улуғ салафларнинг инсон ва унинг жамиятда тутган ўрни ҳақидаги қарашларини идрок этган ҳолда ўрганди. Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румий, Фаридиддин Аттор шеърлятидаги комиллик ҳақидаги ғояларни, Иброҳим Адҳам, Боязид Тайфур Бистомий, Мансур Ҳаллож, Саид Имоиддин Насимий дунёқарашидаги ишқи илоҳий ва комиллик ҳақидаги таълимотни, у шеърларда тилга олган мутасаввифларнинг комил инсон ҳақидаги тушунчалар ва улар илгари сурган ғояларни ривожлантирди.

Машраб инсон идеали Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) эканлигини, чорёрлар, уламолар, айниқса, унга ўрнак бўлган пири комили Офоқхожанинг етишган пир ва инсон эканлигини шеърларида эҳтиром билан тилга олади. Машраб шеърларининг лирик қаҳрамонлари у орзу қилган комил инсон образлари эди. Шунинг учун у ғазалларида ўша мақомга етган комил одамлар сиймосини яратди.

Шоир шеърлятида бир қатор кибру ҳаволи, такаббур кишилар қораланади. Чунончи:

Такаббур аҳлиға зинҳор салом алик демай ўтгил,
Аларни бошида бу деғу малъунни ҳавоси бор.

Машраб дунё мол-мулкига, жону жонониға парво қилмаганлигини фақат дилида Аллоҳни ва бисмиллоҳни тилидан қўймаганлигини, дилда фақат тавба, истиғфорни қанда қилмаганлигини, комил мусулмон бўлганлигини ғазалларида тилга олган:

Авлиёлардек муаззам бўлайин десанг бу кун,
Машрабо, қўйма дилиндин лаҳза бисмиллоҳни.

Ҳазрати Алининг ўғиллари Ҳасан жанобларининг авлодларига «шариф», Ҳусайн жанобларининг авлодларига эса «сайид» унвони берилгандир. Шу нуқтаи назардан қараганда Машрабнинг аждодлари силсиласи мазкур мўътабар хонадонга бориб тақалади, уланади. Шоирнинг «Эшон», «Эшони шох Машраб» деб юритилиши ҳам ана шундан. Аммо у наслий ҳирсу ҳавас, маҳдудлик, кибру ҳаволарга мутлақо тоқат қила олмаган. Етук авлиё сифатида наслу насабдан ғурурланмаслиги тўғрисида «Сайидсан, хожасан, зинҳор мағрури насаб бўлма» мисраси билан тақрорланиб борувчи катта бир мухаммасни ёзиб қолдирганки, унда хўжа ёки сайид бўла туриб ножоиз ишлар билан шуғулланиш, аждодларга эътиқод қилиб мағрурланиш, қиёмат кунда кулли офатларга дучор қилиши мумкинлиги ҳақида чуқур фалсафий фикрлар билдиради:⁴⁶

⁴⁶ Машраб. Девон. –Б.84.

Мабодо кўрқаман манондайи ул Булаҳаб бўлма,
Саййидсан, хожасан зинҳор мағрури насаб бўлма.

Иккинчи бобнинг “*Машраб ҳаёти ва ижодига таъсир кўрсатган мутасаввифлар*” номли учинчи фаслида улуғ мутасаввиф, сўфий алломалар Машраб ва Муҳаммад (с.а.в.), Машраб ва Бозор охунд, Машраб ва Офоқхожа, Машраб ва Мансур Ҳаллож, Машраб ва Иброҳим Адҳам, Машраб ва Сўфи Оллоёр, Машраб ва ҳуруфий Саид Имодиддин Насимий каби улуғ зотларнинг мутасаввиф шоир ижодига таъсири масалалари ўрганилган.

Бир юз ўн тўрт сурадан иборат Қуръони каримнинг тўқсон уч сураси Макка даврида нозил бўлди. Маккий суралар “Инсонларни Аллоҳнинг борлигига, бирлигига, буюклигига, сўнгсиз ва тенгсиз қудратига ишонишга, буйруқларига итоат этишга, яхшилик қилишга чақиради, руҳларига хитоб этади, инсонларни ўйлантиради, уларнинг қалбида жонли бир иймонни вужудга келтиради... Бу суралар Аллоҳнинг азиматини баҳс маркази қилиб олгани учун услуби ҳам мавзунинг буюклиги билан бир мақомдадир”⁴⁷.

Агар аслимни сўрсанг, англагил нури мунавварман,
Ҳидоят бахридан чиққан ўзум бир дона гавҳарман.

Машраб шеърларида “Шаъри Пайғамбар”-“Пайғамбар шариати” деб сўз юритади. Машраб ифодасига кўра, кўнгил уйини ёритувчи чироқ шариатдир. Ақлу ҳуши жойида бўлган соғ одам асло чироқсиз, яъни шариатсиз яшай олмайди:

Асли билсанг, хужрайи дилга шариатдур чироқ,
Бечироғ ҳаргиз қадам қўймас бу йўлда ақли соғ⁴⁸.

Машраб тасаввуф таълимотини аввало улуғ шайх Шиблий, Жунайд Бағдодий, Жалолиддин Румий, Нажмиддин Кубро, Боязид Тайфур ал-Бистомий, Иброҳим Адҳам, Мансур Ҳаллож, Муҳаммад (с.а.в.), мулло Бозор охунд, Офоқхожа, ҳуруфий Саид Имодиддин Насимий, мутасаввиф Сўфи Оллоёр каби шайх уламоларнинг дунёқарашидан келиб чиқиб давом эттирди ва ўз ижодида уларнинг маънавий меросига мурожаат қилиб, сўфийларнинг муборақ номларини ҳурмат-эҳтиром билан тилга олди. У «олими нуктадонлик», «пири ҳидоятхонлик», «шуҳрати шеър бобида мўътабарлик», «ҳофизи хуш асар» каби даражаларга эришувда устозлари мақомида бўлди. Шайху муридлик вазифасидан келиб чиқиб, муридлик анъанасига содик қолди ва уни адо этди.

Машраб чорёрлар ва авлиёлар Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Ҳайдар, Ҳасан, Ҳусайн ҳаққи Муҳаммад пайғамбардан мадад сўраб, шафоат тилайди:

Йўлда қолғон интизору божигарларнинг ҳақи,
Орзусиға етмаган беболу парларнинг ҳақи,
Ул Абу Бакру, Умар, Усмону Ҳайдарнинг ҳақи,
Ҳам Ҳасан бирлан Ҳусайн ул икки гавҳарнинг ҳақи,
Ё Муҳаммад, бир мадад қилғил шафоат вақтидир⁴⁹.

⁴⁷ Закон Кўнрапа. Пайғамбаримиз ва ашараи мубашшара. –Т.: “Мовароуннаҳр”, 1995. –Б. 141.

⁴⁸ Ўша асар. –Б.21.

⁴⁹ Машраб. Девон. –Б.504.

Машраб Офокхожа хузурида уч йил ўтин, уч йил саноч-мешда сув ташиди ва яна бир йил эшигида кўрикчилик қилди. «Бу етти йилда бир пўстун кийдилар, ёзда чармини, қиш бўлса юнгини кияр эдилар:

Эй, биродарлар кийибман бир кийими етти йил,
Бас, машаққат тортмагунча лойиқи дийдор эмас.

Бу Машрабнинг Офокхожа қўлида тасаввуфнинг амалий босқичларини босиб ўтганидан далолат беради.

Машрабнинг тасаввуфона шеърлари халқ қалбига ўрнашди, омма, халқ унинг ғайри одатий хатти-ҳаракати замирида тасаввуф, дини ислом ва Аллоҳнинг сийрат, сифоти, унинг аъмоллари турганлигини тушуниб етди.

Машраб шеърларига назар солинса, улар тасаввуфона, Илоҳий, Аллоҳга ҳамд, сано, наът, суруд ва дуруд ўқиш билан бирга, пайгамбар (с.а.в.)га саловотлар билан бошланганлигини, салафлари ишини ижодий меросида давом эттирганлигига гувоҳ бўлади:

Худонинг бандасиман, Раббанодин ўзга ёрим йўқ,
Расулнинг умматиман, Мустафодин ўзга ёрим йўқ⁵⁰.

Тасаввуф Хуросон ва Мовароуннаҳрга ислом дини билан бирга кириб келди. Бунинг натижаси ўлароқ Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Низомий, Хисрав Деҳлавий, Аҳмад Яссавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб каби жаҳоний мутасаввиф мутафаккирлар етишиб чиқди.

Мутасаввифларнинг асарларида тасаввуф таълимотидан четга чиқмаслик учун Қуръон ва ҳадислардан узоқлашмаслик каби фикрлар уқтирилган.

Евгений Эдвардович Бертельс: тасаввуф адабиётини ўрганмасдан туриб, ўрта асрлар мусулмон Шарқи маданий ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас, бу адабиётдан хабардор бўлмасдан Шарқнинг ўзини ҳам англаш қийин деган фикрлари тасаввуф ва ислом динининг нақадар бир-бирига яқин таълимот ва маслак эканлигини англатади⁵¹.

Наманганлик тадқиқотчи М.Тоджиходжаев Машраб асарларини ғарбдаги тадқиқотчи сифатида қуйидаги фикрларни келтирган: Бобораҳим Машрабнинг “Қиссаи Машраб”, “Девони Машраб” каби маноқиблари Европа тилларига XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб таржима қилина бошланди. Вамберининг “Чиғатой тили” дарслигига Машрабнинг “Куйди жоним ўртаниб, ул ёр келмайдур хануз, Жоним димокқа етти, ул дилдор келмайдур хануз” матлаъли ғазали киритилган. Бу ғазал ханузгача Ўзбекистонда нашр этилган адабиётларга киритилмагани ҳали жаҳоннинг турли мамлакатларида бундай асарлар мавжудлигини яна бир бор исботлайди⁵².

Машраб Илоҳга мурожаат қилиб, унинг илтижосини қабул қилишни, ғойибдан ҳамма дардига дармон юборишини, мўъминлар қавмини мусулмон

⁵⁰ Машраб. Девон. –Б.527.

⁵¹ Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийские литература. Избранные труды. Т. 3. -М.: Наука, 1965. –С. 101.

⁵² Тоджиходжаев Мусо Муйдинбаевич. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари Мартин Хартманн таржимаси ва талқинида // Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Наманган, 2021. –Б. 22.

этишлигини, тонгла қиёмат ва Махшар куни ҳар бир банданинг ишини осон қилишини, барчанинг гуноҳларини афв этиб, аҳли иймонли қилишини сўрайди. У фоний дунёда фақир эрса-да, гуноҳга ботганлигини, бу дунё ишига талоқ қўйганлигини, унга наът ўқиб, шафоат тилаётганлигини, унинг ўзга йўл топа олмаслигини, фақат Рабби бўлган Худодан ва унинг элчиси бўлган Расули Мустафодан ўзга ёри йўқлигини изҳор этади:

Ҳаманинг дардига ғайбдин ўзунг доруйи дармон қил,
Мукаммал айлағилким, қавми мўъмин ҳам мусулмон қил⁵³.

Машрабнинг тариқат йўлини тутишдан мақсади, жаннат умиди эмас, балки хоксор ва некбин сўфийлардек Аллоҳ дийдорига восил бўлишдир.

Офоқхожа эшон Бобораҳим Машраб билан биринчи бор учрашгандаёқ уни синаш учун форс сўфий шоири Ҳофиз Шерозийдан бирор нарса ўқишни буюради. Машраб Ҳофизнинг сўфиёна шеърларини шундай ёниб айта бошлайдики, Офоқхожа чидаёлмай, қўлларини кўтариб:

«-Ҳой, бас... Агар мундин зиёда ўқусанг куюб кетурман” деб нидо қилади”⁵⁴. Ҳазрати эшон Машрабнинг ўз шеърларини ҳам завқ билан тинглайди, дуо қилиб елкаларига қоқади. Офоқхожа эшон назарида Машраб Ҳақ висолига етиш бўсағасида турган комил толиб эди. Лекин пир унда рухоний дунёдан пастга тортиб турувчи кўз илғамас ипларни ҳам кўради. Шу тариқа уни етти йил парваришлаб, комиллик сари етаклаб камолга етказди.

Машрабнинг пири Офоқхожа таълимоти ҳазрати Нақшбанд тариқатининг Шарқий Туркистондаги бир оқими бўлиб, бу таълимот Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон халқларини бир-бирига яқинлаштириб, иноқ, иттифоқ яшашида катта моҳият касб этди.

Шарқий Туркистонда Офоқхожа ҳукмронлиги даврида нақшбандия таълимоти давлат миқёсига олиб чиқилди, яъни давлатнинг ҳукмрон таълимотига айланди.

Машраб салафлари изидан бориб, хатти иршод олмай, аммо таълимотнинг нафақат Марказий Осиёга, ҳатто Осиё, Африка, Яқин Шарқ минтақаларига ёйилишига хизмат қилган вакили эди. У буни ўзининг шеърӣ ижоди, яратган асарлари, валию модаризодлиги-туғма валийлиги, кўрсатган кароматлари ва сўфиёна тарғибот, даъвати билан амалга оширди.

Адабиётшунос олим Исомиддин Салоҳӣ Машрабнинг ҳеч қандай тап тортмай беғу амалдорлардан, баъзи риёкор дин арбобию уламосидан ҳам ҳайикмай, подшоларига ҳам таъсир ўтказиб аркони давлат олдида ҳам, коинот гултожи одам шахсини хўрламаслиги, адолат билан иш юритишларини юзига айтиб олиб борган даъватларида кўриш мумкинлигини таъкидлайди⁵⁵.

Тасаввуфда тариқатлар кўп бўлиб, ҳар бир тариқатнинг асосчиси ўз тариқат йўлининг мазмун-моҳиятини, ундан кўзланган мақсадини билвосита тарғиб этадилар.

Машрабо, ҳар муриднинг орқасида фарқи бор,

⁵³ Машраб. Девон. –Б.529.

⁵⁴ «Девони Машраб», тошбосма. Тошкент, 1900. –Б. 94

⁵⁵ Салоҳӣ Исомиддин. Эзгу сўз қудрати. -Самарқанд, 2004. – Б. 75

Мурда бўл, пирга ўзунгни ташлагил, эй марди кор⁵⁶.

Евгений Эдвардович Бертельс таъкидлаган мурид пир кўлида мурда ҳолатида бўлиши шеърда ҳаққоний ёритилган.

Марказий Осиёда энг кўп тарқалган тасаввуф таълимоти нақшбандия, кубровия, яссавия таълимотидир. Бу таълимотларни Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Махдуми Аъзам хожаги Косоний, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Шайх Худодод Вали, Бобораҳим Машраб ҳам қабул қилган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Шоир феномени: сўфийлик, қаландарлик, дарвешлик шеърляти”** деб номланиб, бу фаслида қўйилган илк муаммо-“*XVII-XVIII асрлар Мовароуннаҳр бадиий йўналишининг муштарак жиҳатларига мухтасар шарҳ*” таҳлили масаласига қаратилган.

Бу давр Мовароуннаҳрда ҳукмронлик учун ўзаро курашлар, босқинчиликлар, бошбошдоқликлар, парокандалик авж олганлигини кузатиш мумкин. Хива ва Бухоро хонлигидан мустақил 1818 йил Чуст туманининг Чодак қишлоғида ажралиб чиққан Қўқон хонлиги ўртасида ички зиддиятлар, халқ урушлар гирдобида яшаб, нотинчликларни бошдан кечирдилар. Бу ҳаммаси мавжуд мафкурага, маънавиятга салбий таъсир қилмасдан қолмади. Жамиятнинг зиёли қатлами ва маданият арбоблари шундай шароитда жон сақлашга интилдилар. Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон шаҳарларида илм-фан, маданият ўзига хос ҳолда ривожда давом этди.

Аштархонийлардан Имомқулихон, Абдулазизхон, Субхонқулихон, Убайдуллахон ҳукмронликлари даври олдинги даврлар билан муқояса қилинганда, нисбатан тарихда тушқунлик даври деб аталган. Жуйбор хожаларининг сиёсий ҳокимиятда катта мавқега эришганликлари ва беҳисоб мол-мулк тўплаши, халқ турмуш тарзининг кескин пасайиши, давр руҳонийларининг ҳукмрон доираларга таъсири сезилмаслиги каби омиллар Сўфи Оллоёр, Хўжаназар Хувайдо ва Бобораҳим Машраб каби забардаст шоирларнинг давр виждони бўлиб, халқни маънавиятга чорлаб асарлар ёзишга, жамиятни уйғотишга даъват этди.

Айниқса, Сўфи Оллоёрнинг мадрасаи олиялар учун сабоқ-дарсликлар яратиши, Хўжаназар Хувайдонинг мактаб ва масжидларда Қуръон ва исломиятдан даъватлари, Бобораҳим Машрабнинг сўфий қаландар бўлиб ўз ғояларини халққа тарғиб этиши каби омиллар билан ҳам улар фаолияти самарали бўлган.

Мовароуннаҳр халқлари бу давр бой адабиёт яратгани, илғор ва истеъдодли алломаларни етиштирганлигини кўрсатди. Мирзо Бедил, Юсуф Қорабоғий, Сайидо Насафий, Муҳаммад Шариф Бухорий, Турди Фароғий ва бошқа забардаст сўз санъаткорлари етишиб чиқдилар.

Адабиётшунос Абдусаттор Жуманазар Машрабнинг кушандаси Маҳмуд катағонбийнинг Қундуз вилоятида туғилганлиги, Муҳаммад Юсуф Муншининг “Тарихи Муқимхоний” асарида ёзилишича, у моҳир ва жасур

⁵⁶ Машрабнинг янги топилган ғазаллари // “Ўзб. адаб. ва сан.”. 1998 йил, 4 август.

жангчи эканлиги, Абдулазизхон ҳукмронлиги даврида Урганж хони Абулғози билан бўлган савашда ўта қаҳрамонлик кўрсатганлиги айтилади.

Субхонқулихон жасурлиги учун Маҳмуд қатағонга отолик унвонини беради. Маҳмуд қатағон Субхонқулихон набираси Муқим Муҳаммад султонни ўлдириб, Балх тахтини қўлга киритади ва ўзини Балх подшоси деб эълон қилади. Муаррих Муҳаммад Яъқубнинг таъкидлашича, Машраб кушандаси Қундузда ҳукмронлик пайти 1714 йил зилзилада Ишкамишда уй тагида қолиб вафот этади⁵⁷.

Адабиётшунос Шухрат Сирожиддинов Мовароуннаҳр адабий муҳити ва бадий сўз йўналишининг муштарак жиҳатларини шарҳлаб ёзади: “Мовароуннаҳрнинг жўғрофий қадимий цивилизациялар чорраҳасида жойлашгани, бу ўлкада қадимги Ҳинд, Эрон, Ироқ ва Хитой халқлари фалсафий қарашларининг бир маконда умумийлашуви ва уйғунлашувида яхши замин яратган”⁵⁸.

Ушбу келтирилган маълумотлар асосида Ўзбекистон ва Хитой халқлари ўртасидаги маънавий-фалсафий, маданий-маърифий, савдо-иқтисодий муносабатлар қадимги даврлардан бери мавжуд бўлган, деган хулосага олиб келади. Машрабнинг Қашқарга қилган сафарининг негизида нафақат пир маконига бўлган интилиш, балки эллар ўртасидаги муштарак алоқалар, қадимги анъаналар, Буюк Ипак йўлининг ҳаракатдаги ҳолати ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаган⁵⁹.

Адабиётшунос Абдусаттор Жуманазар Машрабнинг қайси тариқатга мансублигини у қуйидагича талқин этган: Бобораҳим Машраб қайси тариқат вакили эди?

Барча замонларда қаландарлар деярли ҳамма тариқатда бўлган. Манбаларга кўра, Бобораҳим Машраб яссавия, нақшбандия, кубровия тариқатлари мактабларидан тарбияланган қаландар эди⁶⁰.

Эркин Мусурмановнинг қайд этишича, ана шундай тож-тахт учун кураш жараёни мураккаб кечаётган даврда Машраб Мовароуннаҳрнинг турли шаҳарларида қаландар, дарвеш бўлиб халққа маърифат тарқатади.

Ҳиндистондан қайтган Машраб ўн йиллар атрофида Марказий Осиё шаҳарларини кезиб илм ва маърифат касб этади. Унинг улуғ ниятларидан бири ҳаж сафари эди. Маккага боришдан олдин Машраб учинчи марта Самарқандга келади. Имом ал-Бухорий макбараси ва бошқа муқаддас жойларни зиёрат қилади. Сўнгра Арабистон томон йўл олади⁶¹.

Сўфи Оллоёр тасаввуф таълимотининг XVII асрга келиб турли бидъат қарашлар билан қоришиб кетгани ва Ўрта Осиё халқлари ақидасига, маънавияти-мафқурасига жиддий зарар етказётганини кўргач, халқнинг ҳидоят йўлидан чалғиётганига ишонч ҳосил қилган дейиш мумкин. У жамият ислоҳ қилинмас экан, сохта авлиёлар нафс илинжида халқни гумроҳ этиши,

⁵⁷ Абдусаттор Жуманазар. Машраб муаммо ва ечимлар. –Т.: “Akademnashr”, 2014. –Б. 83.

⁵⁸ Сирожиддинов Шухрат. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. –Т.: Янги аср авлоди, 2011. –Б.3.

⁵⁹ Мусурманов Эркин. Раҳимбобо Машраб ҳақида янги маълумотлар. Самарқанд, 2015. –Б. 24.

⁶⁰ Ўша асар. –Б. 133-134.

⁶¹ Ўша асар. –Б.70.

кўр-кўрона сиғиниш оқибатида имон-этиқодга путур етиши мумкин эканлигини чуқур англаб етди:

Унинг “Ўкур бўлсанг ўгир нафсинг кўзина,
Қара чин кўз била Мусҳаф юзина”

сатрларида ҳам ана шу чуқур ҳаётий маъно ифодаланган. “Нафс, таъма, ўғирлик, товламачилик авж олган, маърифат унутилаётган, илм-фан таназулга юз тутган жамият тақдирига бепарво бўлиш унинг этиқодига зид эди. Бу жирканч балонинг олди олинмаса, барчани уз домига тортиши муқаррар бўлиб, бундан қутулиш чораси кучли раҳбар етакчилигида бидъатларга қарши ёппасига кураш эълон қилиш эди”⁶².

Халқнинг маърифатсизланиши ва ёт мафкуралар тузоғига тез илиниб қолишидаги асосий сабабни Сўфи Оллоёр ўзбек ва тожикларнинг ўз она тилларида ақидавий ва фикҳий масалаларни ўқиш имконияти йўқлигида деб билади.

Шухрат Сирожиддиновнинг изоҳича: XVII-XVIII асрларда Марказий Осиё мафкуравий йўналишларида сохта таълимотлар урчиб кета бошлаган, бу ҳақда адабиётшунос бир қанча далилларни келтирган: Рухий-маънавий озуқага муҳтож аҳоли “улуғ пир”, “дастгир Валий” ниқоби остида ташқаридан кириб келган каззоб кимсаларнинг “қаромат”ларига ишониб, уларнинг тилёғламалик билан ишонтирилган бидъат таълимотларга эргаша бошлади: “Баъзи сохта таълимотлар, масалан, Ҳинд томондан кириб келган «равшания» тариқати вакиллари исломий шариатга тўғри келмайдиган ғояларни сингдиришга ҳаракат қила бошлаган, ҳатто аёллар ва эркакларни бир жойга йиғиб, турли суҳбатлар ташкил қила бошлаган”⁶³. “Самандар Термизий номи билан машҳур Муҳаммад Боқи хожанинг «Дастур ал-мулук» асарида Субҳонқулихон давридаги мафкуравий-маънавий муҳит танқид қилинган”⁶⁴. Шунингдек, Мир Муҳаммад Амин: “аштархонийлар даврида этиқодда адашиш, исломдан оғиш ҳукм сурган”ини таъкидлайди⁶⁵.

Шундай шароитда шаҳар жойларида иккинчи сиёсий-ижтимоий ҳаракат бошланди. Агар Сўфи Оллоёр қишлоқ ва чекка ҳудудларда ўз ҳаракатини бошлаган бўлса, шаҳар жойларида қаландарлик ҳаракати омманинг оҳу фиғонларини очик акс эттирган ижтимоий ҳаракатга айланди. Улар кўча-кўйларда турли шеър ва кўшиқлар айтиб очикчасига тузумдан норозилик кайфиятини ифодаладилар. Бу ҳаракатнинг энг ёрқин вакили Бобораҳим Машраб бўлди.

Адабиётшунос Эркин Мусурманов Машрабнинг асли Шарқий Туркистон, ҳозирда, Синцзян автоном районидаги фаолиятига алоҳида урғу беради: Машрабнинг Марказий Осиё ҳудудидаги фаолияти маълум даражада ўрганилган. Шу сабабли биз унинг адабиётшунослар назаридан нисбатан четда қолаётган ҳозирда Хитой Халқ Республикаси Синцзян автоном

⁶² Сирожиддинов Шухрат. Сўфи Оллоёр илоҳиёти. 1-китоб. –Т.: Жамият ва бурч, 2001. –Б.49.

⁶³ Ўша асар.-Б.21.

⁶⁴ Самандар Термизи. Дастур ал-мулук. Пер.и М.Салахитдиновой. –М., 1958. -С.31.

⁶⁵ Мир Муҳаммад Амин Бухари. Убайдуллонаме. Перевод А. Семенова. –Т., 1957. –С.42.

районига қарайдиган макондаги фаолиятига таъсир қилган тарихий, ижтимоий, маданий омилларга эътибор қаратишни лозим топдик⁶⁶.

Ёркент хонлиги таркибига ҳозирги ХХР Суар ҳудудига қарашли Қашқар, Ёркент, Хўтан, Учтурпан, Янгисар, Турфон, Қумул каби шаҳарлар қарар эди. Кейинчалик хонликка Талас дарёси ва “Иссиқ кўл”га туташ ерларнинг бир қисми кўшиб олинди⁶⁷.

Хонликдаги тузум кўп жиҳати билан Марказий Осиёда ҳукмронлик қилган шайбоний ва аштархонийлар давлатларига ўхшаш эди.

Илғор адабий оқимнинг энг муҳим хусусияти унинг ҳаётга, халқнинг турмуши ва орзу-интилишларига тобора яқинлашиб боришидир. Бу ҳол илғор адабиётни мавзу жиҳатдан такомиллаштирди, янги тимсолларни вужудга келтирди, ижтимоий сатирани ривожлантирди, услуб раволиги ва тил бойлиги учун хизмат қилди.

XVII-XVIII асрлар истеъдодли маънавий фикр намояндаларининг, илғор ҳурфикрли қалам аҳллариининг ижодиёти ўзига хос ҳаёт ва ижод йўли, диди ва истеъдоди, услуби ва йўналиши бетакрордир. Уларнинг асарлари инсонпарварлик ва халқпарварлик, ватанпарварлик ва маърифатпарварлик услублари, жамиятнинг айрим иллатларини танқид қилиш, олижаноб инсоний фазилатларни тарғиб этиш, халқ оғзаки ижодига ва мумтоз адабиёт анъаналарига ижодий муносабатда бўлиш каби жиҳатлари билан бир-бирига яқин туради ва бири иккинчисини тўлдирди.

Тадқиқот учинчи бобининг иккинчи фасли *“Девоналик замирида пинҳон буюклик сифатларининг акс этиши”* хусусиятларига эгаллиги ҳақида адабиётшунослар, мунаққид таҳлилчилар турлича қарашларни илгари сурганлар.

Адабиётшунос Нусратулло Жумахўжа нинг 1993, 1995 ва 2003 йиллари Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан бир неча бора чоп этилган дарсликларда “Бобораҳим Машраб” мавзусидаги тадқиқотлари шоир Машрабнинг илоҳий кечинмалари ва умуминсоний фазилатлари, Машраб шеъриятининг мавзу кўлами, ғояси, руҳи, услуби, бадий хусусиятлари ҳақида муаллиф кенг маълумот берган ва ўзбек адабиётининг улуғ мутафаккир шоири хусусидаги фикрлари, илмий қарашлари ўқувчилар учун қимматли манба сифатида баён этилган.

Машрабнинг девоналик, қаландарлик, дарвешлик, фақирлик ва инсонпарварлик ҳақидаги фикрларини таҳлил этган муаллиф ўқувчига қуйидагича изоҳ беради: “Тўғри, Машраб мажнунвор шахс бўлган. Машрабнинг феъл-атворида чиндан ҳам девоналик кўзга ташланади. Энди бир шахс қиёфасида фақирлик, шоҳлик, гадолик каби бир-бирига зид сифатларнинг бир йўла тажассум топиши тилсимига келсак, Машраб ижтимоий-иқтисодий аҳволи фақирлик-камбағалчиликда кечган; сийратда-ички маънавий оламда, ҳимматда, саховатда, тафаккурда, инсонпарварликда шоҳ бўлган; шунинг учун халқ орасида Шоҳ Машраб номи билан шуҳрат

⁶⁶ Мусурманов Эркин. Раҳимбобо Машраб ҳақида янги маълумотлар. Монография. Самарқанд: СамДУ, 2015. –Б. 25-26.

⁶⁷ Ўша асар. –Б.36.

қозонган; ташқи кўринишда у мискин, ғариб, ҳокисор, мавзу-баманзил кечувчи гадо, қаландар қиёфасида юрган. Бир сўз билан айтганда, Машраб андозадаги зот бўлмаган. Унинг савоби гуноҳлари ҳам оддий инсоний ўлчамларга сиғмайди⁶⁸. Шунинг учун ҳам ўз чигал қисматидан изтиробдаги Машраб: “Бу дунёда гоҳ фақир, гоҳ шоҳ, гоҳ гадоликда кечган ҳаёти билан андозаларга сиғмамдур, эвоҳким, тонгла маҳшар куни Яратганнинг олдида бутун халойиқ сўроқ бераётганида ҳам ўзимнинг ўлчамсиз савобу гуноҳларим билан маҳшар майдониға сиғмасман”⁶⁹, -дея фарёд чекиб турибди.

Адабиётшунос мактаб ўқувчисига янада содда, равон таҳлиллар берган. Муаллиф Машрабнинг:

Агарчанди зиёрат қилмадим мен Каъбаи зоҳир,
Тариқат хожисидурманки, Байтуллоҳга сиғмамдур,
-ғазалини шарҳ этган.

Адабиётшунос Ҳ.Болтабоев ёзади: Машрабнинг қаландарийликка муносабати шоирнинг «Бобораҳим», «Шоҳ Машраб», «Девонаи Машраб» каби исм ва унвонларидан яққол англашилиб турган бўлса ҳам, тасаввуф таълимоти ва унинг қаландарийлик тариқати ҳақида етарли тасаввурга эга эмаслигимиз туфайли шоир ижодини, унинг ўзи қисматини қатъий боғлаган қаландарийликдан ажратиб талқин этишга йиллар давомида йўл қўйилди. Зеро:

Худодин келса фармон лаҳаддин бош кўтаргил деб,
Кафанни бўйнима чулғаб, талабда бир қаландарман,
байтининг ўзиёқ Машраб учун қаландарийлик икки дунё саодатидек бир улуг хилқат саналганлигини англагувчи далилдир⁷⁰. Машраб «илоҳий ишқу муҳаббат ҳосил» этмоқ маъносида қаландарлик тариқатини танлаган. Қаландар ошиқнинг биринчи вазифаси бу, ваҳдат майидин қонмоқ деб билган. Унинг қатор байтларида шу моҳият ўз аксини топгандир:⁷¹

“Тариқат машойихлари фақирнинг уч нишонаси: қуёш каби шафқатли, ёмғир каби саховатли, ер каби тавозели бўлиш деб айтганлар”⁷².

Адабиётшунос олима Иқболой Адизова қаландарийлик одоби ва уларнинг рамзий белгиларини чуқур таҳлил қилиб ёзади: Хирқа кийиш ва фақр мақомини эгаллаш тариқатда муҳим ҳисобланган⁷³.

Рус шарқшунос олими В.А.Вяткин⁷⁴, ўша давр манбаларига таяниб, Машраб таваллуд топган макон Наманганнинг Маддоҳлар маҳалласи-қаландархона яқинида мулло Бозор охунд қабрларидан 550 қадам масофада шоҳ Машраб туғилган уй қолдиқлари мавжудлигини ёзиб қолдирган бўлса,

⁶⁸ Қосимов Б., Нусратулло Жумахўжа. Ўзбек адабиёти. 10-синф учун дарслик. Тўртинчи нашри.-Т.: Гафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2003. –Б.234.

⁶⁹ Ўша асар. –Б.234.

⁷⁰ Болтабоев Ҳ. Машраб ва қаландарийлик тариқати манбалари / Олими нуктадон ўзум. Тўплам. -Т., 2006. – Б.37.

⁷¹ Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърят. –Т.: Гафур Ғулум номидаги Нашриёт матба бирлашмаси, 1991. – Б.181.

⁷² “Рисолаи қаландарий” // Ёшлик журнали, 2000. №3. –Б.46.

⁷³ Адизова И. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. –Т.: “Фан”, 2006. –Б. 117.

⁷⁴ Вяткин В.А. Ферганский мистик Диванаи Машраб. -Т., 1923.

Россия ФА Шарқшунослик институти Санкт-Петербург бўлими илмий ходими Олег Фёдорович Акимушкин шоир эътиқод кўйиб, гоёларини амалга оширган қаландария тариқатига Туркия, Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистондаги нақшбандийлар амал қилганликларини ёзиб қолдирган⁷⁵.

Қаландарлик тариқати амалиётига бошқа тариқат вакиллари ҳам турли даражада амал қилишган. Жумладан, Туркиядаги бектошийлар, Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистондаги нақшбандийлар, Эрондаги ҳайдария-жалолия тариқати вакиллари⁷⁶.

Хоразм тарихининг билимдони С.П.Толстов “...ўрта асрларда эркаклар ўз маслакларига кўра «меҳмонхона»ларда, «чойхона»ларда, «болахона»ларда йиғилиш бошлаган. Қаландар-дарвешлар эса, ўз хонақоҳларида зикр тушар эдилар:

Дунё учун ғам ема, Ҳақдин ўзгани дема,
Киши молини ема, сирот узро тутаро.
Ло илоҳо иллоллоҳ, ҳаақ дўст, ё Оллоҳ!
Ло илоҳо иллоллоҳ, ҳаақ дўст, ё Оллоҳ!⁷⁷

Сайфиддин Рафиддинов қаландар атамаси ва маломатийлар ҳақида тўхталиб: Маломатий қилган ибодатини халқдан яширади, халқнинг таънаю маломатидан чўчимайди, ҳазрат Муҳаммад саллалоҳи алайҳиссаломни маломатийларнинг сардори деб билади; Қаландар эса халқ урф-одатларини ошқора бузади. Ортиқча тоат-ибодатга майл кўрсатмайди⁷⁸.

Машраб баъзи ибодатларни бузганда Офоқхожа: «Эй Машраб, сани ичинг торлик қилди, маънини ошқор қилдинг» деб оғизларига туфлаган эканлар.

Фитрат қаландарларнинг ҳаёти тарзи, уларнинг кийинишлари ҳақида шундай маълумот беради:

“Қаландарлик мусулмон тасаввуфининг шўъбасидир. Бу маслак бизнинг ўлкамизда сўнгги кунларгача давом этди. Ўзбекистон шаҳарларидан ҳар бирининг ташқарисида “қаландархона” исмли гўзал боғча ҳолига келтирилган бир жой бор эди. Қаландарлар шунда турар эдилар”⁷⁹.

Тадқиқотчи З.Исҳоқова: “Машраб ҳамиша инсонни, одамийлик сифатларига қараб эҳтиром этган, қадрлаган. Шоир наздида одамлар Худонинг бандаси, инсон нияти эса ягона, “ёди Худо бўлмоқ”қа интилган⁸⁰.

Дилда дардинг бўлмаса, ёди Худо бўлмоқ қийин.

Фитрат Машраб ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берувчи асарларни санаб ўтади ва уни тарихий шахс эканлигини эътироф этиб шундай дейди: “Машраб ҳақида ёзилган ва Ўзбекистонда маълум ва машҳур бўлган «Девони Машраб» ёхуд «Девонаи Машраб» китобининг афсонавий бир манқабдан бошқа нарса бўлмағонига бизнинг ҳам шубҳамиз йўқдир, лекин бу

⁷⁵ Акимушкин О.Ф. “Ислам на территории бывшей Российской империи” энциклопедик луғат. 1-жилд. –М.: “Наука”, 2006. –Б. 178.(Рус тилидан Ҳалим Тўраев таржимаси).

⁷⁶ Ўша асар, ўша жой.

⁷⁷ Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. –Б.112.

⁷⁸ Рафиддинов С. Қаландар атамасининг этимологияси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1998. №5. –Б.61.

⁷⁹ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II-жилд. –Т.: Маънавият, 2000. –Б.57.

⁸⁰ Исҳоқова Замира. Машраб. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. –Б. 15.

шубҳасизлик Машрабнинг ҳақиқатдан тарихий бир шахс эканига ишонишдан бизни манъ қила олмайди⁸¹.

«Қиссаи Машраб»ларнинг деярли ҳаммасида Машраб – шоҳ Машраб, Девонаи Машраб, Эшони Машраб, Эшони шоҳ Машраб, Эшони шоҳ Машраб Девонаи Намангоний номлари билан келтирилган.

Қиссаларда таъкидланишича, шоирга «Машраб» тахаллусини Офоқхожа тавсия этган: “Ҳазратим айдиларки, Эй сўфийлар, сизлар гувоҳ бўлунгларки, бу девонани отини Машраб кўйдум”. “Аллоҳу акбар” дедилар. Андин сўнг девонанинг оти Машраб демакликка шуҳрат топди. Бошларини кўтариб, кўзларини очиб, ғазал дедилар:

Қўлум олинг, ё пирим, менда тоқат қолмади,
Йўлга солинг, ё пирим, менда ҳолат қолмади⁸².

Машраб ғазалларининг бирида учровчи мана бу байтда ҳам худди шу мазмун ифодаланган:

Қуддиса сирриҳу хоҷам отимни «Машраб!» дедилар.

Қошғару Ёркент ичида соҳиби гуфтор ўзум!⁸³

Абдулла Жаббор Машрабга бу тахаллуснинг берилиши унинг руҳиятидаги юксаклик, ҳокими Мутлаққа муҳаббатнинг ўта кучлилиги, жазбанинг фавқулудда устунлиги, Дийдорга тезроқ етмоқ истагининг тизгинсизлиги бўлса керак деб ҳисоблайди⁸⁴.

Шарқшунослик институтида 2315 рақами билан сақланаётган «Мусаввадаи Абдушукур Зиё» қўлёзмасида Машраб номи келтирилиб, шундай дейилади: «Намангандан эди. У жанобнинг номи Бобораҳимдур».⁸⁵

Пўлатжон Домулло Қайюмов «Тазкираи Қайюмий» асарида: Бу киши Фарғона водийсидан бўлиб, Наманган шаҳридандир. Номи Бобораҳим бўлиб, мулла Вали номли кишининг ўғлидир. Эл орасинда шоҳ Машраб деб маъруфдур»,⁸⁶ дейилган.

Э.Мусурмонов Машрабни «Раҳимбобо» деб атаган бўлса, у киши тадқиқотида Машраб ижодини эмас, «Қиссаи Машраб»ни таҳлил этган. «Офоқхожа маноқиб», «Қиссаи Машраб», «Тазкираи қаландарон» ҳам нақллар ва афсона, ривоятлар асосига қурилганлигини ҳисобга олсак, олим Абдушукур Зиёнинг қўлёзмасига, Пўлатжон Домулло Қайюмов тадқиқотлари ва Исматуллоҳ Абдуллоҳ фикрларига, уларнинг китобларига мурожаат қилсак, Боб, бобо истилоҳлари исмдан олдин келишини инобатга олсак «Раҳимбобо» эмас, «Бобораҳим» Машраб тахаллуси келиб чиқишини эътироф этмоқ керак.

Биз маноқиб ва қиссаларни ёзганларга эмас, чунки улар ривоят, ярим ривоят, афсоналарга қоришиб кетганлигини унутмайлик. Олимлар, тадқиқотчилар фикрини ҳисобга олиб иш юритайлик. Шу жиҳатдан Раҳимбобо эмас, «Бобораҳим» деб аташ мақсадга мувофиқдир.

⁸¹ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II-жилд. –Т.: «Маънавият» 2000. –Б.8.

⁸² Қиссаи Машраб. –Т.: “Ёзувчи”, 1992. –Б.33.

⁸³ Ўша асар. –Б.33.

⁸⁴ Абдулла Жаббор. Исмингиз нима, шоҳ Машраб? Наманган ҳақиқати. 2005 йил, 11 май.

⁸⁵ Ўша манба, 129-бет.

⁸⁶ Пўлатжон Домулло Қайюмов. Тазкираи Қайюмий. 63-бет.

Машрабнинг ҳаёти ва ижоди билан Европа шарқшунослари, асосан, рус шарқшунос олимлари ҳам қизиққанлар. Машрабнинг ҳаёти ва ижодий мероси билан қизиқиб, унинг Ўрта Осиё халқлари маънавий ҳаёти тарихидаги роли ҳақида илк дафъа диққатга сазовор фикр юритиб, рус илмий жамоатчилигининг диққатини бу масалага қаратишга ҳаракат этган академик Н.И.Веселовский бундай деб ёзган эди: «Ҳажвгў ва ҳозиржавоб девона Машраб Ўрта Осиё халқлари орасида жуда машҳурдир... фикримизча, Машраб чуқур диққат билан жиддий ўрганишга сазовор шахс... У муттасил равишда маҳаллий руҳонийлар билан мунозарада бўлган ва ҳар доим улардан устун чиққан»⁸⁷.

Қаландар Машрабингман, икки оламни тепиб ўтгум,

Биҳишту ҳуру ғилмонинг пучак пулга сотиб ўтгум.

Бобораҳим Машраб борган ва зиёрат қилган қадамжолар, ҳудудлар, сарҳадлар беҳисоб.

Машраб туғилиб ўсган она шаҳри Намангандан чиқиб, жуда кўплаб шаҳар ва қишлоқларга, яқин Шарқ давлатларига, Европа, Осиё, Африка қитъаларигача саёҳатларда бўлди, шеърятидан кўплаб мамлакатлар, халқларини баҳраманд этди. Ёркент, Қашқар, Хўтан, Ийла, Урумчи, Оқсу, Ғулжа, Ўш, Бадахшон, Балх, Хуросон, Бухоро, Самарқанд, Насаф, Бағдод, Эрон-Турон, Шом, Рум, Ҳиндистон, Хитой, Макка, Мадина, Байтуллоҳ, Карбало, Ироқ, Миср, Яман, Дакан, Исфохон, Ҳирот, Машҳад, Жидда, Халаб, Шероз, Шибирғон, Андхўй, Мозори шариф, Афғонистон, Сарипул, Шероз, Турфон, Қоратегин, Қорашаҳар, Талас, Фарғона, Марғилон, Тошкент, Туркистон, Шоҳимардон, Қабодиён, Хўжанд, Каттакўрғон, Нурота каби шаҳар ва вилоятларга борди, саёҳатларида азиз-авлиёлар қадамжоларини зиёрат этди. Кўп шаҳар, уларнинг аҳолиси ҳақида шеърларида фикрлар билдирди.

И.Абдуллаев томонидан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1991 йил 12 апрель сонидида босилган «Машраб ва «Мабдаи нур» мақолада шоир таржимаи ҳолига оид бир ғазалда унинг қайси юртларга борганлиги ҳақида маълумот берилган:

Қарори топмадим рўйи заминга, Машрабо ҳаргиз,
Ажални илкидин, аё дўстлар, охир равон кетдим⁸⁸.

Машраб бир неча ғазалларида Балх шаҳрида Маҳмуд қатағонбий томонидан ўлим топишини қайд этади.

Машраби шўрида Маҳмуд илкида

Пирим амрини бажо топсам керак.

Шавқи муҳаббатингда кезиб Балх шаҳрини,

Хатой шаҳидликни кўриб, ошкор ўқуй.

Фироқ қиссаси Машраб фикрида эрур,

Мастона Балх шаҳрида беихтиёр ўқуй.

⁸⁷ Веселовский Н.И. Восточные заметки. -Санкт-Петербург, 1985. -С.325.

⁸⁸ Абдуллаев И. Машраб таржимаи ҳолига оид ғазал // «Ўзб. адаб. ва сан.». 1992 йил, 17 январь.

Машраб шахсияти қаландарлар тоифаси ичида ажралиб тургани учун ҳам Шоҳ Машраб номини олди. Унинг оддий ҳаёти, риёсиз эътиқоди халқни ўзига ром этди. Гарчи ҳукмрон табақалар унинг хатти-ҳаракатларидан озор топган бўлсалар ҳам унинг ҳақ эканлигини ич-ичдан яхши тушунар эдилар ва шу жиҳатдан унга қарши очик қарши чиқишга журъат этмас эдилар. Ҳатто унинг қатл этилиш тафсилотларида ҳам ҳукмрон табақаларнинг унга зиён етказишдан ҳайикқанларини кўриш мумкин. Машраб Қабодиёндан Балхга борганда Балх ва Қундуз ҳокими Маҳмуд катағон эди. Машраб уламолар фатвоси билан Маҳмудхон фармонида биноан Балх шахрида дорга осиб ўлдирилди ва жасади ўша ерга дафн этилди. «Қиссаи Машраб», «Шоҳ Машраб қиссаси» китобларида у дорга осилгач, Балх шахрининг улуғу кичиклари Шоҳ Машрабга мотам тутиб, зор-зор йиғлагани айтилади:

Қаландарвор йиғларман эшикларда фиғон айлаб,
Халойиққа бу оламда баса афсона Машрабман.

Адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул фикрича: “Қонида дарвешлик жўшган шоирнинг овози бошқача янграйди. Шахсияти ярқ этиб кўзга ташланади. Бундай овоз тозаланган ва холис бўлади. Бундай шахсият ҳайратланарли даражада хоксор, самимий, шеърӣ куч-қувватга тўлиқлиги билан ажралиб туради. Ёлғиз шундай шоиргина одамларни ишқ ва маърифат шароби ила маст айлаши, ҳеч кутилмаган тарзда кўнгил ҳақиқатларига диққатни қаратиб, Рух ва руҳониятчилик байроғини баланд кўтариши мумкинди”:⁸⁹

Девонайи Машраб, бу сўзунг дардга даводур,
Ошиқ элининг кўнглига бир ўт қалаб ўттум.

Нусратулло Жумаҳўжа «Дили ғамгин халойиқ хайлини севдим» тадқиқотида⁹⁰ ҳам Машрабнинг бу йўлни танлаганлиги ҳақидаги мақсад-муддаосини таҳлил этиб ёзади: Соликнинг мақсад-муроди Ҳақнинг дийдорига муяссар бўлиш, ҳақиқатни очишдир. Бу асил ва олий муддаога эришиш учун қаландарлар дунёнинг барча ҳузур-ҳаловатию айш-ишратларидан, орзу-ҳавасидан воз кечганлар. Улар Ҳақни телбаларча излаганлар⁹¹.

XVII-XVIII асрларда яшаган ва ўша давр назм ва насрига, бадииятига улкан ҳисса қўшган бир қатор илғор мутасаввиф ва илм-фан намояндалари ижодиётига мухтасар назар ташладик. Ўша улуғ мутафаккир шоирлар замондоши Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодини юксак бадиийлик нуқтаи назаридан ўрганиш зарурати изчил қиёсий таҳлилни тоқазо этади.

Машраб замондоши Сўфи Оллоёр Каттақўрғондан Булғористонгача халқларни дин илми билан кўзларини очиб уйғотган бўлсалар, Машраб инсон ва жамият ҳақидаги ўз фикрларини, ғояларини амалга ошириш учун девоналик замирида пинҳон буюклик иқтидорини намоён этгани ҳолда дунёнинг жуда кўп мамлакатларини, улуғ масканларини зиёрат қилди, Яқин Шарқ, Арабистон ороллари, Ҳижоз, Рум, Осиё, Шимолий Осиё, Африка каби

⁸⁹ Абдуллоҳ Исматуллоҳ. Машраб ҳикматлари. -Наманган, 2000. –Б.25-26.

